
БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 39 (2587) | якшанба, 23 февраль 1964 йил. | Баҳоси 2 тийин.



БУГУН СОВЕТ АРМИЯСИ ВА ҲАРБИЙ-ДЕНГИЗ ФЛОТИ КУНИ

Ватанимизнинг шавкатли қўриқчиларига шон-шарафлар бўлсин!

Н. С. ХРУШЧЕВ ЕНС ОТТО КРАГ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев 21 февралда Кремлда Дания бош министри Енс Отто Краг билан учрашди ва суҳбатлашди.

Суҳбатда Дания бош министри билан бирга Данининг Совет Иттифоқидаги элчиси Кристиан Д. Хюльтен — Эггерт, Дания ташқи ишлар министрлигининг бош секретари Пауль Х. Фишер, Дания ташқи ишлар министрлигининг матбуот бўлими мудири Кай Йохансен, Дания ташқи ишлар министрлиги иқтисодий-сиёсий бўлими мудирининг ўринбосари Енс Кристенсенлар ҳам бор эди.

Суҳбатда Совет томонидан СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, ташқи савдо министри Н. С. Патоличев қатнашдилар. Суҳбатда СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари А. Л. Орлов, Совет Иттифоқининг Данияда элчиси К. Д. Левичкин, СССР Ташқи ишлар министрлиги Скандинавия мамлакатлари бўлимининг мудири А. Е. Ковалевлар ҳозир бўлди.

Самимий, дўстона суҳбат давомида ҳар иккала томонни қизиқтираётган ҳозирги халқаро аҳвол проблемалари, шунингдек СССР билан Дания ўртасидаги дўстона муносабатларни кенгайтириш масалалари, шу жумладан, Совет-Дания иқтисодий ҳамкорлиги ва маданий алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. (ТАСС).

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ САЁҲАТГА

Дания бош министри Енс Отто Краг билан унинг рафиқаси Хелле Виркнер Краг 21 февралдан 22 февралга ўтар кечаси Москвадан Ленинградга жўнаб кетишди. Улар Совет Иттифоқи бўйлаб ўз саёҳатларини бошлаб юборишди. Дания бош министри Ленинград, Волгоград ва Тбилисига боради. (ТАСС).

* * *

Ленинград, 22 февраль. (ТАСС). Дания бош министри Енс Отто Краг ва унинг рафиқаси ҳамда ҳамроҳлари Москвадан Ленинградга келдилар.

Дания ва СССР давлат байроқлари билан безатилган Москва вокзалида ҳурматли меҳмонинг келиши шарафига фахрий қоровул саф тортиб турди ва Дания ҳамда СССР давлат гимнлари ижро этилди.

СССР МУДОФАА МИНИСТРИНИНГ

БУЙРУҒИ

1964 йил 23 февраль — № 34 — Москва шаҳри

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар!

Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!

Армия ва флотнинг запасдаги ва отставкадаги ветеранлари!

Бугун Ватанимиз Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 46 йиллигини нишонлайди.

Бу умумхалқ байрамини совет кишилари коммунизм қурилиши соҳасида жуда катта муваффақиятлар билан кутиб олмоқдалар. Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва интеллигенциянинг қаҳрамонона меҳнати билан етти йиллик план муддатидан илгари бажарилмоқда. КПСС Марказий Комитети декабрь ва февраль Пленумларининг қарорлари шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг ижодий активлигини янада ошириб юборди. Химия саноатини жадал ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш соҳасидаги улуғвор планлар бизнинг партиямиз меҳнаткашлар куч-ғайратини КПСС XXII съезди тарихий қарорларини амалга оширишга нақадар зўр шижоат билан ва бир мақсадни кўзлаб қаратаётганлигини яққол кўрсатиб турибди.

Коммунистик қурилишнинг улуғвор вазифаларини бажариш учун фидокорона курашаётган халқимиз тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашдан астойдил манфаатдордир.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати халқаро кескинликни янада юмшатишга, жаҳон термоядро урушининг олдини олишга қаратилган ленинча ташқи сиёсатни қатъият ва изчиллик билан амалга оширмоқда. Территория низоларини ва чегара масалаларини ҳал этиш учун куч қўлланишдан давлатларнинг воз кечиши ҳақида халқаро битим тузиш тўғрисидаги совет таклифлари тинчлик ишига қўшилган янги муҳим ҳиссадир.

Айни вақтда Коммунистик партия ва Совет ҳукумати дунёда Ватанимизга ва қардош социалистик мамлакатларга ҳарбий ҳужум қилиш режаларини тузаётган империалистик кучлар борлигини ҳисобга оладилар.

Бундай шароитда Совет Қуролли Кучлари мабодо агрессор жаҳон урушини бошлаб юборишга журъат этса, унга қақшатғич зарба беришга доимо тайёр туриши учун партия ва ҳукумат ҳамма чораларни кўрмоқда.

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар!

Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!

Армия ва флотнинг запасдаги ва отставкадаги ветеранлари!

Сизларни умумхалқ байрами — Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 46 йиллиги билан қутлайман!

Армия ва флот жангчилари! Ҳарбий ва сиёсий билимларингизни кун сайин оширингиз, ўз ҳарбий маҳоратингизни қунт билан такомиллаштиринг из, янги техника ва қурол-яроғларни ўрганинг из, коммунизм қурувчиси ахлоқ кодекси, ҳарбий қасамёд ва ҳарбий уставлар талабларини оғишмай бажаринг из. Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг даъват этиши билан Ватан олдидаги ўз бурчингизни бажаришга доимо тайёр бўлиб турингиз!

Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 46 йиллигини нишонлаб, **буюраман:**

Бугун, 23 февралда Ватанимиз пойтахти Москвада, иттифоқчи республикаларнинг пойтахтларида, шунингдек қаҳрамон шаҳарларда тўплардан бир йўла йигирма марта ўқ узилиб, салют берилсин.

Яшасин Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг 46 йиллиги!

Яшасин севикли Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Улуғ совет халқига ва унинг шавкатли Қуролли Кучларига шон-шарафлар!

Яшасин барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

СССР Мудофаа министри
Совет Иттифоқи Маршали
Р. МАЛИНОВСКИЙ.

ДАСТЛАБКИ ҒАЛАБА

Ҳ. ТУРСУНҚУЛОВ.
Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Шарқ юлдузи» колхозининг раиси, уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

□ □

Кунлар исиб, ҳаво юришиб кетди. Баҳор эшик қоқяпти. Деҳқонларимизнинг қўли-қўлга тегмай қолди. Қиш-қировли кунларда, ҳаммаёқни қор босиб ётганда ҳам улар қўл қовуштириб ўтиришмади. Ёз ғамини қишда е, дегандек, ердан тўплаш, давлатдан бериладиган минерал ўғитларни ташиб олиш билан банд бўлишди. Механизаторларимиз эса техникани тахт қилиб қўйиш ғамида бўлишиди. Ҳозир қаерга борманг, ариқ ва зовурларни зудлик билан тозалаётган азаматларга дуч келасиз. Ким билан гаплашманг, маҳсулотни мўл-кўл қилиш ҳақида дилида ўйлаётган фикрини эшитасиз.

Бунинг боиси бор, албатта. Ҳозир каттадан-кичик ҳамманинг фикри-хаёли партиямиз Марказий Комитетининг февраль Пленуми қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаш юзасидан белгилаган тадбирларни қандай қилиб яхшироқ амалга ошириш билан банд. Деҳқон ҳам, чорвадор ҳам ишлаб чиқаришни яхши ташкил этиб, пахта, гўшт ва сутни кўпайтириш ҳақида ўйлаяпти.

Яхши ният — ярим мол, дейди халқимиз. Гўшт етиштиришни кўпайтирамиз деган ният билан ўтган йилнинг декабрида 162 бош қора мол, 420 бош қўй ва 11 бош отни бўрдоқига боқиш учун қўйган эдик. Икки ярим ой мобайнида мутахассислар назоратида яхшилаб парвариш қилдик. Бу соҳада Луганск чорвадорларининг методи жуда қўл келди. Хашакни майдалаб ва химиявий йўл билан ишлаб молга едириш катта фойда берди. Молни боқсанг мой бўлади дегандек, ҳар бош қора молнинг вазни ўрта ҳисобда 300 килограммга, қўйнинг вазни эса 50 килограммга етди.



Колхоз бу йил 105 тонна гўшт етиштириши ва давлатга 90 тонна гўшт сотиши керак эди. Бўрдоқичиликни яхши йўлга қўйиш планни муддатидан илгари бажариш имконини берди. 21 февралда давлатга гўшт сотиш йиллик планини ошириб адо этилди. Шундай қилиб, колхозимиз аъзолари КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг тарихий қарорларини, ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчев Пленумда сўзлаган нутқида қишлоқ меҳнаткашларини олдига қўйган вазифаларни амалга ошириш борасида дастлабки катта ғалабани қўлга киритдилар.

Аввало шуни айтиш керакки, колхоз давлатга сотилган гўштдан анча даромад қилади. Лекин гўшт тайёрлаш планини барвақт бажаришдан кўриладиган манфаат фақат шундангина иборат эмас. Энг муҳими, чорвадорларимиз энди бутун эътиборни молларни қишдан омон-эсон олиб чиқишга, деҳқонларимиз эса кўклам экишига кўрилаётган тайёргарликни бекамкўст туғаллашга қаратадилар. Бу бизга галдаги вазифаларни ҳам муваффақиятли адо этиш, пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштиришни ҳамда маҳсулот етиштиришни кўпайтириш юзасидан олинган барча социалистик мажбуриятларни муваффақиятли адо этиш имконини беради.

Ҳозир ҳамма ерда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаш, мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотлари мўл-кўллигини вужудга келтириш учун катта юриш бошланди. Колхозимиз аъзолари ҳам бу йил хўжаликнинг барча соҳаларини интенсив юритишга қатъий қарор қилдилар. Биз бу вазифанинг уддасидан албатта чиқамиз, чунки уни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳамма имкониятларга эгамиз.

ШОНЛИ АРМИЯМИЗ

Бугун — Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти куни. Бундан 46 йил илгари улуғ Ленин ва Коммунистик партия томонидан ташкил этилган, жанговар ва зафарли тарихга эга бўлган СССР Қуролли Кучлари жаҳонда тинчлик, демократия ва халқлар дўстлигининг мустаҳкам ва ишончли посбонидир. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз халқлари Ватанимизнинг қудратли Армиясини севади, қадрлайди, унинг шонли кунини зўр хурсандчилик билан нишонлайдилар.

1918 йилнинг 23 феврали тарихда унутилмас кун бўлиб қолади. Ўша куни Армиямизнинг дастлабки отрядлари Псков ва Нарва ёнида герман қўшинларини тор-мор келтирди, ишчи-деҳқон давлатини, Октябрь ғалабаларини халқаро империализм ва ички контрреволюция хуружларидан қаҳрамонларча сақлаб қолди.

Тинч қурилиш йилларида Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти ўзининг жанговар тайёргарлигини ошира бориб, янада қудратли кучга айланди. Шавкатли Қуролли Кучларимиз она-Ватанимиз чегараларини иғвогарлик мақсадида ўзларининг ифлос тумшуқларини суққан ҳар қандай душманларга қақшатғич зарбалар берди ва социалистик давлатимизнинг чегараларини ҳушёрлик билан қўриқлаб келди.

Улуғ Ватан уруши мамлакатимиз халқлари ва Қуролли Кучларимиз учун катта синов бўлди. Фашистлар Германияси мамлакатимизга қўққисдан хиёнаткорона ҳужум қилди. Халқимиз, шавкатли армиямиз тиштирноғигача қуролланган, Европадаги бир қанча давлатларни забт этган гитлерчи фашистлар армиясининг қонли йўлини тўсди ва уларни батамом тор-мор келтирди. Қуролли Кучларимиз ўзининг интернационал бурчини бажариб, Европадаги ва Осиёдаги бир қанча мамлакатларнинг халқларини фашистлар зулмидан озод бўлишида қардошлик ёрдамини кўрсатди.

Халқимиз армиямизни севади ва унинг жанговар хизматларини зўр ҳурмат билан эсга олади. Шонли Қуролли Кучларимизнинг байрами халқимиз партиямиз Марказий Комитети декабрь ва февраль Пленумлари қарорларини амалга ошириш учун зўр ғайрат билан меҳнат қилиб, халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида ажойиб муваффақиятларга эришаётган бир вазиятда нишонланмоқда. Она-Ватанимизнинг янада гуллаб яшнаши, коммунизмнинг моддий-техника базасини тезроқ яратиш, халқ фаровонлигини янада равнақ топтириш учун улуғ ишлар амалга оширилмоқда. Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг жангчилари ва офицерлари ҳам бу ишларга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Совет экономикаси, фан ва техникасининг муваффақиятлари мамлакатимиз Қуролли Кучларини биринчи даражали жанговар ҳарбий қуроллар билан таъминлашга имконият яратиб берди. Қўшинларимиз ҳозирги вақтда ҳамма масофалардаги нишонларга бехато етиб борадиган қудратли ракеталарга эгадирлар. Қўшинларимиз янги, жанговар қуроллардан аниқ фойдаланиш учун хизмат этувчи мураккаб радио-электрон асбобларини пухта эгаллаб олмоқдалар.

Армия ва Флотимизнинг кучқудрати унинг халқимиз билан яқин алоқада бўлганлигидадир. Армия ва флотимиз партия ташкилотлари, сиёсий органлари, ҳарбий советларининг маҳаллий партия, совет ва комсомол ташкилотлари билан мустаҳкам алоқада бўлишлари жангчиларни юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, уларнинг ўз зиммаларига юкланган шарафли вазифани тўла ўташларига ёрдам бермоқда.

Совет Иттифоқи, шунингдек халқ демократияси мамлакатлари уруш хавфига, қуролланиш ва атом қуроллари сиҳовига қарши кураш олиб бормоқдалар, тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб, қуролли кучлар сонини камайтириб келмоқдалар. Ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчевнинг КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленумида сўзлаган нутқида ҳам мудофаа ишларига қилинаётган харажатларни қисқартириш юзасидан Совет Иттифоқи кўраётган тадбирлар очиқ-ойдин баён этиб берилган.

Совет Иттифоқининг бутун дунёда барқарор тинчликни ўрнатиш, ёппасига ва батамом қуролсизланиш учун кўраётган тадбирлари империалистик давлатларнинг қаршилигига дуч келмоқда. Монополистик капиталнинг энг агрессив кучлари уруш ваҳимасини, қуролланиш пойгасини авж олдирмоқдалар, бу аҳвол жаҳон термоядро урушининг бошланиш хавфини туғдиради. Империалистлар ўз мустақиллиги учун курашаётган халқларга қарши уруш қилмоқдалар, қўғирчоқ реакцион режимларни ўрнатмоқдалар, революцион ҳаракатларни ўт ва қилич ёрдами билан бостиришга уринмоқдалар. Америка империализмининг сиёсати — халқларни жандарм усулида бостириш сиёсати, янгиликка, революцион ҳаракатга қарши кураш сиёсатидир. Империалистларнинг босқинчилик ҳаракатларига, қуролланиш пойгасини авж олдиришга ва шу мақсадда жуда кўп маблағ сарфлаётганларига Совет давлати бефарқ қараб туролмайди.

Империалистик мамлакатлар қуролсизланиш тўғрисида битим тузишга розн бўлмас эканлар, партия ва ҳукуматимиз Совет Иттифоқининг мудофаасини мустаҳкамлаш тўғрисида доим ғамхўрлик қилади. Совет Иттифоқи ва социалистик лагерь қуролли кучлари империалистларнинг ҳар қандай агрессиясини тўхтатишга ва уларга қақшатғич зарба беришга ҳамиша тайёрдир.

Совет халқи Қуролли Кучларимизнинг ерда ҳам, сувда ҳам, кўкда ҳам қудратли кучга айланганлигини яхши билади. Шавкатли посбонларимиз халқимизнинг тинч ижодий меҳнатини кўз қорачиғидек асраб Ватанимиз чегараларини доимий сергаклик билан қўриқлаб келмоқдалар. Армия ва флотимизнинг жангчилари ўзларининг жанговар постларида ҳушёр туриб, муқаддас бурчларини шараф билан бажариб келмоқдалар, жанговар ва сиёсий тайёргарликларини муntазам ошириб келмоқдалар. Жангларда чиниққан қаҳрамон Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти Ватанимиз чегаралари и н и н г хавфсизлигини сергаклик билан қўриқлаб, ўз халқига, она юртига муносиб хизмат қилмоқда.

Тинчликнинг қудратли таянчи бўлган Совет Қуролли Кучларига шон-шарафлар!

Мамлакатлар Одамлар Воқеалар

„ФИКРИНГИЗГА ҚЎШИЛАМИЗ“

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчевнинг давлат (ҳукумат) бошлиқларига 1963 йил 31 декабрдаги мактуби муносабати билан Эфиопия императори Хайле Селассие I Совет ҳукуматининг бошлиғига жавоб хати юборди.

«Мактубингизда баён қилинган фикрларга умуман қўшиламиз, —дейилади Хайле Селассие I нинг хатида,— сўнгги ойлар мобайнида кўрилган ижобий чоралар учун ҳамма одамлар ҳам миннатдор бўлмоқлари керак, бу чоралар виждонан амалга оширилган тақдирда, бутун дунёда тинчлик ишига ниҳоятда муҳим ҳисса қўшган бўлур эди.

Территория низолари халқлар ўртасидаги конфликтларнинг асосий сабабчисидир, дейиш билан Сиз, шак-шубҳасиз, ҳақ гапни айтгансиз. Эфиопия ўзининг узоқ тарихи мобайнида халқимизнинг ерига даъвогарлик қилган агрессорларнинг хатти-ҳаракатларини бошдан кечириб, қайғули тажриба орттирди. Бинобарин, биз давлат сиёсатининг қуроли сифатида куч ишлатишдан воз кечиш бундай низоларни тинч бартараф қилиш томон қўйиладиган дастлабки қадам бўлади, деган фикрингизга чин юракдан қўшиламиз».

Сўнгра хатда Эфиопия билан Сомали республикаси ўртасидаги территория жанжалини Эфиопия томони қай таҳлитда тушунаётгани баён қилинади ҳамда Совет—Сомали муносабатлари хусусида баъзи мулоҳазалар айтилади.

«Биз, — деб уқтиради Эфиопия императори ўз хатининг охирида, — Сизнинг мактубингизда таклиф қилинган чоралар бутун дунёда тинчликни излаш ишида олға қараб қўйилган қимматли қадам бўлажагига ишонганлигимизни яна бир карра таъкидлаймиз ва Сизни ишонтириб айтамизки, Эфиопия бутун инсониятни ўйлаб таклиф қилинаётган ташаббусларни батамом ҳурматлайди».

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ПРИНЦИПЛАРИГА ХИЛОФ ИШ

ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

БЕРЛИН, 21 февраль. (ТАСС). Германия Демократик Республикасининг ташқи ишлар министрлиги баёнот эълон қилди. Баёнотда таъкидланадики, Цейлон Германия Демократик Республикаси билан консуллик муносабатлари ўрнатишга қарор қилганлиги учун Германия Федератив Республикаси ҳукуматининг Цейлонга қарши иқтисодий чоралар кўрганлиги халқаро ҳуқуқ принципларини қўпол равишда бузиш ва бошқа бир давлатнинг ички ишларига аралашишдан бўлак нарса эмас.

Германия Федератив Республикаси ҳукуматининг Цейлонга нисбатан дўқ-пўписа ишлатишга уринаётганлиги, дейилади баёнотда, Бонн империалистик агрессив сиёсатининг тарқибий қисми бўлиб, халқаро кескинликни юмшатиш ишига, тинч-тотув яшаш ишига ҳар қандай тарзда ҳисса қўшишга тўсқинлик қилишни кўзлаб амалга оширилмоқда.

Германия Федератив Республикаси ҳукуматининг ҳатти-ҳаракатлари, деб таъкидланади баёнотда, иккита герман давлати мавжудлигидан иборат фактни йўққа чиқара олмайди ҳамда Германия Демократик Республикасининг халқаро алоқаларини мустаҳкамлаш ва янада ривожлантиришга гов сола олмайди.

Туркия бош министрига суиқасд

ПАРИЖ, 21 февраль. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги хабар беради: бугун эрталаб Туркия бош министри Иненюга суиқасд қилинди. Иненюни отиб ўлдирмоқчи бўлган киши қамоққа олинди. Бош министрга зарар етгани йўқ.

С. ИТОН АҚШГА ҚАЙТИБ БОРДИ

НЬЮ-ЙОРК, 21 февраль. (ТАСС). Американинг таниқли жамоат арбоби ва АҚШ савдо-саноат доираларининг намояндаси, «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофотининг лауреати Сайрус Итон ва унинг рафиқаси Анна Итон бугун Москвадан Нью-Йоркка қайтиб келишди.

Сайрус Итон Кеннеди аэропортида мухбирлар билан суҳбатлашиб, Совет Иттифоқи қишлоқ хўжалиги олдида турган вазифаларни муваффақият билан ҳал қилади, деб ишонч билдирди. У, КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми қарорларининг муҳим аҳамиятини таъкидлаб, Совет Иттифоқи «чинакам амалий программа тузиб олди», бу программани «муваффақият билан бажаради», — деди.

АЛМАШИНАДИГАН САҲИФАЛАР

«Тошкент ҳақиқати» газетаси бугунги якшанба сонининг иккинчи бети икки ҳил нусҳада босилди.

Саноат ходимлари учун мўлжалланган саҳифада: «Ички резервлардан тўла фойдаланайлик!» умумий сарлавҳа остида ана шу темага мансуб бир қанча материаллар берилган.

Қишлоқ хўжалиги ходимлари учун мўлжалланган саҳифада: олимлардан А. Имомалиев, А. Зокиров, Х. Самиев, Т. Пирохунов, Ф. Шарофуддинова ўртоқларнинг ернинг ҳосилдорлигини ошириш да минерал ва маҳаллий ўғитлардан фойдаланиш ҳақидаги мақола сини ўқийсиз. Материал **«Фан ютуқлари деҳқончиликка»** умумий сарлавҳаси остида босилган.



ФАН ЮТУҚЛАРИ ДЕҲҚОНЧИЛИККА!

КПСС МК ФЕВРАЛЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Ернинг ҳосилдорлигини ошириш учун минерал ва маҳаллий ўғитлардан қандай фойдаланиш керак?

„Биз олимларимизнинг кўплари самарали ишламоқдалар, халққа жуда катта фойда келтирмоқдалар деб кўп марта айтиб келдик ва мен ҳозир ҳам шуни таъкидлаб ўтишни истайман. Бу олимларга таяниб, илмий муассасаларнинг ишини янада яхши уюштиришимиз, ҳамма жойда ижодкорлик вазиятини вужудга келтиришимиз, фанни ишлаб чиқариш билан янада маҳкам боғлашимиз керак".

(Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВнинг КПСС Марказий Комитети февраль Пленумида сўзлаган нутқидан).

ИНТЕНСИВЛАШ ЙЎЛИДАН

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаш масалалари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтиришнинг, маҳсулотлар мўл-кўлчилигини яратишнинг бирдан-бир асосий йўлидир. Ҳақиқатан ҳам ҳар гектар ердан маҳсулот олиш қанча тез кўпайтирилса, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мўл-кўлчилигини яратиш вазифаси шунча муваффақиятли ҳал қилинади.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаш масалаларини муваффақиятли ҳал этишда илмий муассасалар ҳам муҳим роль ўйнайди. Олимлар қишлоқ хўжалигини химиялаштириш ва механизациялашга асосланган агротехника тадбирларининг илмий асосларини яратишга яқиндан бош қўшишаяпти.

Суғориладиган деҳқончиликни ривожлантиришни, қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялаштириш ва химиялаштиришни моҳирлик билан бир-бирига тўғри қўшиб олиб бориш қишлоқ хўжалик экинлари маҳсулдорлигини оширишнинг асосий шарти бўлиб ҳисобланади. **«Химиявий ўғитлар, гербицидлар, чорвачилик учун озуқага қўшиб бериладиган ҳар қандай моддалар, ўстирадиган моддалар ва шу кабиларни ишлаб чиқариш ҳозирги кунда биз учун асосий вазифадир,** — деди ўртоқ Н. С. Хрушчев февраль Пленумидаги нутқида — **химия жуда кўп ва хилма-хил озуқа маҳсулотлари бераолади, бу маҳсулотларни қишлоқ хўжалигига хизмат қилдириш керак».**

Мўл ҳосил олиш ва уни барвақт етиштириш ўсимликларнинг биологик талабларини қондиришга, уларнинг ўсиши ва ривожланиши учун зарур бўлган қулай шароитларни вужудга келтиришга боғлиқдир.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ўсимликлар генетикаси ва физиологияси институти коллективи академик М. В. Муҳамеджонов раҳбарлигида қатор илмий ишлар олиб борди. Бу ишлардан бири суғориладиган ерларнинг ҳайдалма қатламини ошириш масаласи ҳисобланади.

Маълумки, ерларни 25—30 сантиметр чуқурликда ҳайдаш, ерларни кўп суғориш ва бошқа сабабларга кўра ҳайдалма қатламнинг остидаги тупроқ қатлами зичланиб кетади. Бу зичланиш ўсимлик илдизларининг кенг ва чуқур таралиб ривожланишига тўсқинлик қилади. Қатламда сув, ҳаво режими ёмон бўлганидан ердаги озуқа моддалар ўсимлик илдизига яхши сингмайди. Ўсимлик илдизлари ва умуман, ғўза ўсиш даврида фақатгина ҳайдалма қатлам ҳисобига ривожланмайди. Балки ғўза илдизлари чуқурроқ қатламларда яхши томир отади.

Текширишлар шуни кўрсатдики, ғўза чинбарг чиқарганда унинг илдизлари ҳайдалма қатламдан пастга ўтабошлаган бўлади. Шоналаш даврига келиб ўқ илдизлар 50—60 сантиметр ва ундан ҳам чуқурга кетади.

Агарда, ҳайдалган ернинг остки қабати унчалик зич бўлмаса, бу қабатдаги илдизлар ҳам ғўзанинг умумий ҳаётида актив иштирок этади. Ғўза нормал ўсади. Бу эса унинг ривожланишини тезлаштириб, кўп ҳосил тўпланишини таъминлайди. Акс ҳолда ғўза илдизлари озуқа ва сув билан тўла таъмин этилмайди. Юқори ва арзон пахта ҳосили етиштириш учун имконият бўлмайди.

Ер 50—55—60 сантиметр чуқурликда ҳайдалса ҳар томонлама ютилади. Агротехника тадбирлари яхши самара беради. Бу усул оддий, яъни 25—30 сантиметр чуқурликда ҳайдашга кўра ернинг зичлиги ва ишлаш чуқурлигига қараб ҳосилни 2—3 центнердан то 7—9 центнергача оширади.

Тупроқни бундай чуқур ишлаш натижасида ҳайдалма қатлам остида кўп ўзгаришлар бўлади. Биринчидан, зич (қаттиқ) қатлам юмшайди, иккинчидан, тупроқ ўзидан сувни яхши ўтказади. Тупроқдаги микробиологик фаолият тезлашади, озуқа моддаларнинг эриши ва илдизларга ўтиши яхшиланади. Бундай ўзгаришлар туфайли ернинг унумдорлиги ортади. Натижада ўсимликнинг озиқланиши яхшиланади, илдизларнинг бақувват ўсиши ва тупроқда кенг таралишига имконият туғилади. Энг муҳими, ҳосилдорлик ортади.

Янги усулда ишланган ернинг унумдорлиги 4—5 йилгача сақланади.

Деҳқончилик маданиятини ошириш асосидагина қишлоқ хўжалигини химиялаштириш, ҳайдаладиган ерларнинг ҳар гектаридан энг кўп маҳсулот олишни таъминлаш мумкин. Демак, ҳосилдорликни кўтаришда чуқур ишланган қатламни вужудга келтириш катта аҳамиятга эга.

Бу ишларни амалга ошириш учун махсус плуглар яратилган. Ер аввал 25—30 сантиметр чуқурликда ағдариб ҳайдалади ва шу участка иккинчи марта 50—55 сантиметр чуқурликда юмшатилади. Иккинчи марта ерни чуқур юмшатиш учун сарфланган қўшимча харажат ҳосилнинг ортиши ҳисобига биринчи йилдаёқ қопланади.

ЎҒИТ—ҲОСИЛ КАЛИТИ

Ҳосилдорликни оширишнинг асосий омиллардан яна бири, ўғитлардан самарали фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқишдир. Ўртоқ Н. С. Хрушчев КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумида қилган докладида, ўғитлардан янада самарали фойдаланиш вазифаси ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришдаги бирдан-бир асосий курашдир, деб кўрсатиб ўтди.

Халқимиз таъбири билан айтганда, ер хазина бўлса, унинг калити ўғитдир. Очигини айтиш керакки, пахтачиликда ўғитлардан ҳали самарали фойдаланилмаётир. Масалан, республикамизда 1950 йилда пахта майдонларининг ҳар гектарига тоза озуқа ҳисобида 80 килограмм азот ва 69 килограмм фосфор солинди. Ўшанда ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 20,7 центнердан ҳосил олинган. 1960 йилда ҳар бир гектар ерга 122 килограммдан азот ва 93 килограмм фосфор озуқаси берилган. Лекин ҳосилдорлик 20,4 центнердан ортмади.

Шу мисолдан кўриниб турибдики, ўғитлардан фойдаланиш соҳасида ҳали кўп ишлар қилиш керак.

Демак, ўғитлардан самарали фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқиш бугунги кунда қишлоқ хўжалик ходимларининг ва илмий текшириш муассасаларининг олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Бу соҳада институтимизда бир қатор тажрибалар олиб борилди. Ҳозир улар ижобий натижалар бермоқда.

Тажрибалар шуни кўрсатдики, агарда ғўза шоналаш давридан бошлаб озиқлантирилса, унинг ўсиши ва ривожланиш жараёни дастлаб жуда секинлашади. Масалан, ёшлигида озиқлантирилган бир туп ғўза 81 грамм ҳосил тугади. Борди-ю, у шоналаш даврида озиқлантирилса ҳосил 61,0 граммни ташкил қилади. Дала шароитида олиб борилган тажрибаларда ҳам юқорида кўрсатилган фактлар тасдиқланди.

Ғўзанинг ўсиши ва ривожланишининг дастлабки кунларида ўғит солинганда ҳар гектардан 39,8 центнердан ҳосил кўтарилган эди. Шоналаш даврида озиқлантирилган ғўзалардан гектар бошига 37,8 центнердан ҳосил олинди.

Ғўзани азот билан кечиктириб озиқлантирилганида азот бирикмаларининг (нитрат ва аммиак) ғўза организмига кириши ва мураккаб азот моддаларининг ҳосил бўлиш процесси секинлашади. Шунингдек, ғўза баргида аминокислоталар ва оқсил моддаларининг ҳосил бўлиш жараёни ҳам секинлашади. Натижада солинган ўғитлар ғўза илдизларига яхши сингмайди.

Азот озуқасининг асосий йиллик нормаси экишдан олдин берилса, ғўза серҳосил бўлиб етилади. Вегетация даврида солинган ўғит эса ғўза тупларида кўп ҳосил тугишини таъминламайди. Бундан ташқари азот экишдан олдин солинганда ўсимликнинг физиологик жараёнлари тезлашади.

Ўсимликларни азотли неорганик бирикмалар билан озиқлантиришнинг фойдаси катта. Чунки, ўсиши ва ривожланишининг бошланғич даврларида ғўза танасида кўп оқсил моддалар ва мураккаб азот бирикмалари ҳосил бўлади. Ғўза азот озуқасининг асосий қисмини гуллаш ва ҳосил тугиш давригача ўзлаштириб бўлади.

Демак, азот озуқасининг асосий қисмини экишдан олдин солиш билан ғўза фосфорли ўғитларни яхши ўзлаштиради. Шунингдек, ғўза танасида фосфорли мураккаб моддалар кўпаяди.

Бу усулнинг яна муҳим томони шундаки, азот ўғитларини эрта бериш ғўза баргида азот, фосфор моддаларининг ва карбон сувларининг барвақт тўпланишига олиб келади. Бу эса кўсакларнинг физиологик томонидан етилишини ҳам тезлаштиради.

Ваҳоланки, вегетация даврида азот солинганда неорганик бирикмалар ўсимлик организмига секинлик билан сингади. Шунинг билан бирга мураккаб азот моддаларининг ҳосил бўлиши секинлашади. Солинган азот ва фосфор ўғитларидан экин бир меёрда ва тўла фойдаланаолмайди. Натижада ғўза кўсаклари узоқ вақтгача очилмайди.

Кўриниб турибдики, азот озуқаси йиллик нормасининг асосий қисмини экиш олдидан, қолган қисмини эса шоналаш даврида берилса ўсимлик сувни яхши қабул қилади. Ғўза баргидаги сув режими яхшиланади. Сув режимининг яхшиланиши натижасида ғўзанинг ҳаводан озиқланиши, яъни фотосинтез интенсивлиги ва маҳсулдорлиги анча юқори бўлади. Бундай ғўзаларнинг ўсиши ва ривожланиши тезлашади, натижада ҳосилдорлик анча ортади.

Илмий-тадқиқотлар шуни кўрсатдики, азотнинг асосий қисми экишдан олдин, қолган қисми эса шоналаш даврида солинганда ўтлоқ тупроқли ерлар шароитида ҳар бир туп ғўзадан 166,3 грамм ҳосил олиш мумкин. Ваҳоланки, азот ғўза вегетацияси даврида солинганда ҳар бир туп ўсимликдан 160,4 граммдан ҳосил олинди.

Ғўза ҳаёт фаолиятининг нормал бориши учун сув ва озуқа ўсимлик талаб қилган даражада тўлиқ бўлиши зарур. Ғўза ўсиши ва ривожланишининг биринчи кунларидан бошлаб ана шу факторлардан тўла фойдаланади,

Шуниси муҳимки, азотли, фосфорли ва калийли ўғитлар экишга қадар берилганда ғўза бу озуқалардан тўлиқ фойдалана бошлайди. Натижада ғўза кучли илдиз отади ва унинг физиологик процесслари тезлашади, барча ривожланиш фазалари жадал ўтади, кўсаклар эрта етилади ва мўл ҳосил олинади.

Ўтган йили Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммунизм» колхозида тажриба ишлари олиб борилди. Илмий-кузатишнинг натижаси чакки бўлмади. Ҳар гектар ерга 170 килограммдан соф азот солинди. Ўғитнинг 20 процентини экиш олдидан, қолган қисмини эса ғўзани икки озиқлантириш вақтида берилди. Кузга келиб гектаридан 36,76 центнердан пахта ҳосили олинди.

Айни вақтда ўша йили иккинчи бир тажриба ҳам олиб борилди. Азот нормасининг 70 процентини чигит экишдан олдин, қолган 30 процентини эса бир озиқлантиришнинг ўзида (гуллагунча) берилди. Натижа қувончли бўлди. Гектаридан 38,98 центнердан ҳосил етиштирилди. Азотнинг ҳаммаси чигит экиш олдидан берилганда эса гектар бошига 39,94 центнердан ҳосил кўтарилди.

Бу усулни қўллаш учун тупроқ хили ва унумдорлигини албатта ҳисобга олиш керак. Масалан, кучли ва серунум, шўрланмаган сизот сувлари чуқур жойлашган, шудгор олдидан гўнг бериладиган ерларда азотли ўғитларнинг ҳаммасини экиш олдидан солиш мумкин. Бунда ер культиватор-ўғитлагичлар ёрдамида 12—15 сантиметр чуқурликда ишланиши лозим.

Кучли, серунум тупроқларда, борди-ю нам тўплаш ва шўр ювиш ишлари ўтказиладиган бўлса, азотли ўғитларнинг 70—75 процентини экишдан олдин, қолган 25—30 процентини гуллаш давригача бир марта озиқлантиришнинг ўзида бериш керак.

Шўр ювилиши ва бошқа сабабларга кўра баҳорда ҳайдаладиган ерларнинг ўзига хос томонлари бор. Шунинг учун ҳам бундай ерларни ўғитлашда бошқача йўл тутилади. Илмий кузатишлар ана шундай ерларга азотли ўғитларнинг 50 процентини шудгорлашгача, қолган қисмини экиш олдида беришнинг фойдаси катта эканини кўрсатяпти.

Демак, янги усулнинг жорий этилиши, биринчидан, ғўзани кўп марта озиқлантириш учун сарфланадиган харажатларни камайтиради, ғўза кўсакларининг эрта очилишини таъминлайди. Бу билан йиғим-терим ишларини механизациялаш учун кенг йўл очилади ва ҳосилнинг асосий қисмини юқори сифатли қилиб териб олиш имкони туғилади.

Кейинги йилларда ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши учун керакли факторларнинг аҳамияти тўғрисида ҳам анча яхши тажрибалар тўпланди. КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми қарорида айтилганидек **минерал ўғитларни ва бошқа химиявий воситаларни тўғри тақсимлашга ҳамда улардан самарали фойдаланишга доир илмий асосда тавсиялар ишлаб чиқиш агрохимия хизматининг асосий вазифаларидан биридир.**

МИКРОЭЛЕМЕНТЛАР ХОСИЯТИ

Ўсимликларнинг яшаши ва ривожланиши учун азот, фосфор, калий, водород, кислород, углерод каби микроэлементлардан ташқари яна қўшимча микроэлементлар ҳам зарур эканлиги тажрибада синалди.

Ҳозирда ҳам ҳали бизга маълум бўлмаган элементлар жуда кўп бўлиши мумкин. Академик В. И. Вернадский ва В. Д. Виноградовларнинг фикрича, ўсимлик танасида бутун ер юзида бўлган элементларнинг деярли ҳаммаси мавжуд.

Олимларнинг кузатишларидан маълум бўлдики, микроэлементлар ўсимликка кам таъсир этса ҳам, улар организмда муҳим вазифаларни бажаради. Масалан, ўсимликлар ҳам тирик организмлар сингари нафас олади. Нафас олишнинг тўхташи билан улар қуриб қолади. **Ана шу процессда биологик моддалар — биокатализаторлар (ферментлар) катта роль ўйнайди. Шундай ферментлар таркибида мис, цинк, кобальт, марганец ва бошқа микроэлементлар учрайди. Шуниси муҳимки, бу ферментларсиз ўсимликда биологик моддалар пайдо бўлмайди.**

Агар микроэлементлар ўсимлик организмида етарли бўлмаса, уларнинг ҳаёти учун муҳим процесс ҳисобланган фотосинтез (ёруғлик таъсирида баргда органик озуқа моддаларнинг пайдо бўлиши) ҳам жуда секинлашади.

Юқорида келтирилган мисоллар шуни кўрсатадики, микроэлементларсиз ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши мумкин эмас. Шунинг учун ўсимлик (ғўза) учун қайси микроэлементлар керак ва қанча миқдорда, қай вақтда бериш лозимлигини билиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Бундай тажрибалар қишлоқ хўжалигимизни янада химиялаштириш ва интенсивлаш, яъни юқори ҳосил олишга яхши шароит туғдириб беради.

Пахта ҳосилдорлигини ошириш учун институтимизда илмий-текшириш ишлари олиб борилди ва яхши натижаларга эришилди. **Марганец микроэлементи ғўзанинг ўсиши ва ҳосилдорлигини оширишда катта роль ўйнайди. Агар экишдан олдин чигит марганецнинг перманганат калий ва марганец сульфати тузлари билан ишланса, ғўзанинг униб чиқиши тезлашади, улар текис ўсади, ғўза кўчатлари бақувват бўлади. Ғўзаларнинг шоналаши, гуллаши ва етилиши бир неча кун олдин бошланади. Шунингдек, кўсаклар анча йирик ва тўқ бўлади, пахта сифати яхшиланади.**

1963 йилда Янгийўл бошқармасидаги Свердлов номли колхозда ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдики, марганец тузлари билан ишланган чигитлар экилиб, ҳар бир гектар ердан бошқа ерларга қараганда 3,49 центнердан ортиқ ҳосил олинди. Демак, марганец билан чигитни ишлаш натижасида ҳосилдорлик ортади.

Пахта ҳосилдорлигини ошириш мақсадида ҳозир бошқа микроэлементлар ҳам мукаммал ўрганилмоқда. Бунинг учун никель, иод, мис, молибден ва цинклардан самарали фойдаланиш йўллари ишлаб чиқилаяпти.

Аслида, уруғликка марганец тузларини қўшиб ишлатиш усули жуда ҳам оддий. Бу ишни амалга ошириш махсус асбоб ва анжомлар талаб этмайди.

Микроэлементлар ҳам келгусида худди азот, фосфор ва калий ўғитлари каби деҳқончиликда кенг қўлланилабошланади.

ГЕРБИЦИД—ЭКИН ҲИМОЯЧИСИ

Химиявий моддалар ҳосилдорликни **ошириш** билан бир қаторда бегона ўт ва турли зараркунанда ҳамда ҳашаротларга қарши курашда ҳам кенг қўлланилмоқда. Чунки, бегона ўт ҳосилдорликни кескин камайтириб юборади, зараркунанда ва ҳашаротларнинг уяси бўлиб хизмат қилади.

Агар қишлоқ хўжалигимиз етарли даражада турли гербицидлар билан таъминланиб, бегона ўт ва зараркунандалар ўз вақтида йўқ қилиб ташланса, мамлакатимизда ҳар йили 1 миллион 500 минг тонна қўшимча пахта ҳосили етиштириш мумкин.

Ҳашарот ва касалликларга қарши курашда ҳозир метилмеркаптофос, сайфос, октаметил, олтингугурт, хлор бирикмалари, севин ва бошқа моддалар жуда қўл келмоқда. Статистик маълумотларга қараганда, бегона ўтларнинг қишлоқ хўжалигига етказадиган зарари иттифоқимиз бўйича бир йилда миллиард сўмни ташкил этади. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда бегона ўтларни йўқотиш мақсадида турли гербицидлардан кенг фойдаланилмоқда. **Далаларда ўсадиган кўп йиллик бегона ўтларни йўқотишда далопон гербициди яхши натижалар бермоқда. Бу препаратни кузги шудгор вақтида ёки эрта баҳорда ҳар гектар ерга 20—80 килограммдан сепиш мақсадга мувофиқдир.**

Баҳорда чигит экишдан олдин ёки униб чиққунга қадар ҳар гектар ерга 1,—1,2 килограмм диурон ёки монурон гербицидлари сепилса бир йиллик бегона ўтларнинг чиқиши бир неча баравар камаяди. Гербицидлар дон экинлари ҳосилдорлигини гектарига 3—5 центнергача оширади.

Пахтачиликни комплекс механизациялаш ҳозирги кунниг энг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолди. Пахта териш машиналарининг унумли ишлашини таъминламоқ учун ғўза баргини сунъий равишда сифатли тўктиришни амалга оширмоқ зарур. Бунинг учун ҳам химиявий моддалардан фойдаланишга тўғри келади.

Ғўза баргини химиявий моддалар билан тўктиришда кальций цианамиди, магний хлорати, эркин цианамид, бутифос, фалекс ва бошқа моддалар кенг қўлланилмоқда ва улар яхши натижалар бермоқда.

Ғўза барги тўктирилган далаларда машина теримига қулайлик яратилиши билан бирга ҳосилни қисқа вақт ичида йиғиб-териб олиш учун имконият туғилади. **Чунки, дефолиантлар ёрдамида кўсаклар очилиши 10—20 кунгача тезлашади, ҳосилнинг 80—90 проценти совуқ тушгунга қадар йиғиб-териб олинади. Бу, келгуси йил мўл ҳосили учун қатор тадбирларни ўз вақтида сифатли ўтказишга имконият туғдиради.**

Ҳосилни машинада териш оғир қўл меҳнатини енгиллаштиради, маҳсулот таннархини арзонлаштиради, хўжалик экономикасини мустаҳкамлайди.

А. ИМОМАЛИЕВ,
А. ЗОКИРОВ,
Х. САМИЕВ,
биология фанлари кандидатлари.
Т. ПИРОХУНОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.
Ф. ШАРОФУТДИНОВА,
илмий ходим.



Ўсимликлар генетикаси ва физиологияси институтининг ўсимликларнинг физиологик процесслари стимуляцияси лабораториясида қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган проблемалар устида самарали иш олиб бормоқда. Суратда: (ўнгдан) младший илмий ходим Л. Абдурашидова, лаборатория мудири А. Имомалиев, аспирант Р. Коблов ва илмий ходим З. Масленниковалар лабораторияда.



Ўсимликлар генетикаси ва физиологияси институтида «Химик-микробиологик методлар ёрдами билан ғўзанинг вилт касаллигини тугатиш» деган янги лаборатория очилди. Суратда: лаборатория мудири Т. Пирмуҳамедов (чапдан биринчи) илмий ходимлар билан тажриба ўтказмоқда.

М. Нуриддинов фотолари.

Қишлоқ хўжалик САҲИФАСИ

ТИНЧЛИКНИНГ ҚУДРАТЛИ ПОСБОНЛАРИ

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ ЁЗАДИЛАР

СОҚЧИЛАР СОҚЧИСИ

Тун. Ҳамма уйқуда. Лекин фақат бир киши, навбатдаги ҳарбий врач, медицина капитани Абдулҳай Исмоиловнинггина кипригига уйқу қўнмаган.

Врач палаталарни айланиб беморларнинг аҳволи яхши эканлигига ишонч ҳосил қилгач, эндигина кабинетига кириб ўтирган эди. Эшик тақиллаб қолди.

— Марҳамат.

Навбатчи фельдшер Газиз Қутжонов қисм жангчиси Эржон Батаевни санитария бўлимига олиб келишганлигини маълум қилди.

Врачнинг рухсати билан беморни ичкарига олиб киришди. Тадбиркор медицина хизматчиси беморнинг аҳволи билан танишгач, унинг жигаридан касал топди. Навбати билан глюкоза, камфара ва кофеин билан укол қилиб туришни буюрди. Лозим бўлганда кислороддан фойдаланилди. Беморнинг аҳволи тезда яхшиланиб борди. Кўп кун ўтмай батамом соғайиб кетди.

Бу медицина капитани Абдулҳай Исмоиловнинг кундалик ҳаётида юз берадиган воқеалардан кичик бир лавҳа.

Қисмда бўлиб, ким билан суҳбатлашманг, камтар ва ишбилармон врач ҳақида самимий сўзлар айтишади. Мана 15 йилдирки, Абдулхай Исмоилов Ватан соқчиларига соқчилик қилмоқда.

Ўрток Исмоилов жангчиларнинг энг яқин дўсти, маслаҳатгўйи, суҳбатдоши ҳамдир. У тез-тез ёш жангчилар билан учрашиб, Совет Армиясининг босиб ўтган зафарли йўли ҳақида, халқимизнинг асл фарзандлари ҳақида сўзлаб беради. Уларни ҳам қийинчиликлар олдида ҳадиксирамайдиган, ботир ва мард кишилар бўлишга чақиради.

Совет Армияси куни байрам қилинаётган бугунги шодиёна дамларда ҳарбий врач Абдулҳай Исмоиловни қизғин қутлаймиз.

Х. МУҚИМОВ,
жангчи.

ЛАНГАР КЎТАРИЛДИ

Яна кўтарамиз кема лангарин,
Тўлқин тепамизда шердай ўлқинар.
Қулоқни тешгудай ел сибизғаси,
Лакатор симига урилиб синар.
Денгиз лабин ўпиб, кўчиб боради
Дарбадар булутлар қирғоққа томон.
Бизнинг қалбимизда севинч тошади,
Кема силжишини кутамиз ҳамон
— Лангар кўтарилди, қани юр дўстим,
Ўримизга келди янги навбатчи.

Қирғоқда онамиз мактуби кутар,
Ўқимоққа бундан не ширин, айтчи?!
Ҳаммамиз чиқамиз кема сатҳига,
Кўмкўк атрофимиз, кўм-кўк дир осмон.
Юракда қон каби Ватандир азиз,
Шу Ватанга бизлар денгизда посбон.

Нуриддин МАДАМИНОВ,
матрос. Ленинград.

ДЕНГИЗ МАВЖЛАРИ

Ватан ишончини оқлашга бугун
Келдим узоққа—Владивостокка,
Чайкалар қийқириб учар тепамда,
Денгиз тўлқинлари урар қирғоққа.
Кўк билан туташган бепоён денгиз
Палуба саҳнидан ташлайман назар,
Гўзал ёр, она юрт қўйнида аста
Гўё туш кўргандай хаёлим кезар.

Юсуфжон МАҲКАМОВ,
солдат. Владивосток.



Суратда: жанговар сиёсий тайёргарлик аълочиси, тўп командири, комсомол аъзоси Саттор Сулаймонов.

МОҲИР РАЗВЕДКАЧИ

Одра дарёси Дарёнинг нариги қирғоғига жойлашиб олган душман қўшинларимизнинг олга силжишига тиш-тирноғи билан қаршилик кўрсатарди. Ўртада бошланган отишма бирнеча соат давом этди. Маккор душман бор кучини ишга солиб қаттиқ мудофаа қилмоқда. Қирғоқ бўйида саф тортиб турган турли калибрдаги артиллерия, пулемётлардан тинмай ўт очиб турибди.

Разведкачиларимиздан олинган маълумотдан кейин қўшинларимиз душман учун кутилмаган вазиятда ҳужумга ўтдилар. Душманлар тартибсиз қоча бошлади...

Зарур маълумотларни разведкачи капитан Тоҳир Рисқиев олиб келган эди.

У Қалинин областининг Невельск шаҳридаги Лавать дарёси қирғоғида, Рига, Варшава бўсағаларида жанг қилди. Душман ҳақида батафсил маълумот лозим бўлиб қолгудек бўлса, Т. Рисқиев биринчилар қаторида разведкага борарди. У бирнеча марта муҳим ҳужжат ва планларни қўлга туширди.

Ўртоқ Т. Рисқиев жангда кўрсатган ажойиб қаҳрамонликлари ва Ватан олдидаги хизматлари учун битта биринчи даражали ва иккита иккинчи даражали «Ватан уруши», «Қизил юлдуз» ордени, «Жанговар хизматлари учун» ва бошқа бирнеча медаллар билан мукофотланди.

Совет Армияси сафида узлуксиз 27 йил хизмат қилган Т. Рисқиев 1961 йилдан тинч ижодий меҳнатга қайтди. У ҳозир «Ўрта ва Олий мактаб» давлат нашриётида редакторлик вазифасида самарали меҳнат қилиб келмоқда.

Р. ЛУТФУЛЛАЕВ,
Б. ЕҚУБОВ.

ЧЕГАРАЧИ

Чегара. Тўрт томон қуюқ ўрмонзор...
Дарахтлар, дарахтлар, кўкка бош қўйган.
Чор атрофда на уй, на бир жонивор,
Келолмас қасд қилиб жонидан тўйган.
Чегарачи ҳушёр. Кўзлари порлар...
Қалб амри ҳушёрлик постига чорлар.

Тўлқин РАЖАБИЙ.

ХАЛҚ ФАРЗАНДИ

Андрей ЕРЕМЕНКО
Совет Иттифоқи Маршали

□ □ □

Машғулотлардан қайтиб келаётган совет жангчилари роталари кўчадан ўтиб бормоқда. Солдат қўшиғини узоқдан эшитган болалар уларнинг қаршисига югуришади. Катталар ҳам кўчага чиқишади. Ана шу дақиқаларда шод чеҳраларга бир қаранг: қанчадан-қанча юрак ҳаяжони, меҳрибонлик, ота ва оналар эркалашини пайқайсиз. Аҳоли солдат ва офицерларга табассум билан боқади, уларнинг кетидан узоқ вақт қўл силтаб қолади. Бундай қувноқ учрашувни СССРнинг аҳоли яшайдиган пунктларидан қайси бирида бўлмасин ҳарбий бўлинмалар ўтиб турган пайтда кузатиш мумкин. қандай қаяжонли воқеага айланиб кетади! Ҳар бир шаҳарда, ишчи поселкасида, қишлоқда бундай кузатишлар байрамга айланади. Армияга жўнаётган ёшларга эсдалик совғалари, гуллар олиб келишади. Қариндошлари ва яқин кишилари, иш ва ўқиш жойидаги ўртоқлари уларга: Ватанга содиқ хизмат қил, моҳир, чиниққан жангчи бўлиб етиш, тинчлик ва коммунизм қураётган халқ бахтини душманлардан ҳушёр сақла, деб ўракдан наказ беришади.

Совет халқи ўз армиясини севади, унинг шонли ғалабалари билан фахрланади, жанговар қудратининг ўсиши ҳақида қайғуради.

Ана шу умумхалқ муҳаббати ва кўмаги Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти қудратининг энг асосий манбаларидан биридир. Коммунистик партия, улуғ Ленин армия ва флотни тузидлар ва уни ишчи-деҳқонларнинг енгилмас, жанговар кучига айлантирдилар. Бу армия Октябрь социалистик революцияси ғалабаларини ҳимоя қилиш, тинчлик ва халқ меҳнатини ҳушёр туриб сақлаш мақсадида тузилди. Янги типдаги бу армия, озод бўлган халқ армияси ана шу халқ манфаатларининг содиқ ҳимоячиси бўлиб қолди. У революция алангаси ва Ватан озодлиги ҳамда мустақиллиги учун бўлган қақшатгич жангларда туғилди. У дамлар ёш Советлар республикаси учун оғир вақт эди. Мамлакат тўрт йиллик империалистик урушдан кучсизланиб чиққан, хўжалик вайронлигига йўлиққан, мислсиз қийинчилик, очликларга бардош бераётган эди. Бунинг устига ҳар томондан тиш-тирноғигача қуролланган душманлар сиқиб келаётган эди. Октябрь ғалабасидан ташвишга тушган, революция оловининг бошқа мамлакатларга ўтишидан чўчиган Америка, Англия, француз империалистлари 14 капиталистик давлат нинг Советлар мамлакатига қарши босқинчилик юришини бошқардилар. Ички контрреволюция интервентларга ёрдам бериш учун бош кўтарди. Фронтларнинг ўт ҳалқаси ёш республиканы атрофдан тобора сиқиб келаверди. Душманларгагина эмас, балки кўпгина дўстларга ҳам бу республиканинг куни битаётгандек бўлиб туюларди.

Аммо шундай воқеа юз бердики, кейинчалик уни бутун дунёда мўъжиза деб атадилар. Ленин партияси тузган гвардиячи отрядлар Псков яқинида революцион Петроградга ҳужум қилиб келаётган герман қўшинларини жиддий мағлубиятга учратди. Бу шонли ғалаба куни — 1918 йил 23 февраль Қизил Армия туғилган кун бўлиб қолди. Ёмон қуроллланган, ўқ-дорилар, озиқ-овқат, кийим-кечак етишмаслигидан қийналган бу армия қақшатгич жангларда мустаҳкамланди ва куч-қудрати ортиб борди. Бирин-кетин Антантанинг уч юриши қайтарилди, интервент ва оқгвардиячи босқинчилар янчиб ташланди ҳамда Совет мамлакати чегараларидан улоқтириб ташланди. Ҳа, бу мўъжиза эди! Уни меҳнаткаш халқнинг кучли мададига таянадиган армия амалга оширди. Бу армия халқимиз капиталистлардан тортиб олган завод ва фабрикаларни ҳимоя қилаётганини, помешчикларни ҳайдаб, деҳқонларга топширилган ерни, қонҳўр империалист ваҳшийлар хавф солаётган Ватаннинг озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилаётганлигини жуда яхши биларди. Бундай армия ғалаба қилмаслиги мумкин эмасди. Бундай мўъжиза амалга ошмай қолмасди.

Биринчи ҳужумнинг шармандаларча барбод бўлганлигидан империалистлар эс-ҳушларини йиғиб олмадилар, улар Советлар мамлакатига қарши янги қароқчилик юришига тайёргарлик кўра бошладилар. Фитна устига фитна чиқарабошладилар. Гоҳ Ҳасан кўли яқинида, гоҳ Халхин-Гол дарёсида душманлар Совет давлатининг куч ва қудратини синаб кўра бошладилар. Барча совет халқи қўллаб-қувватлаб турган Қизил Армия ҳар сафар ҳам фитначиларга қақшатгич зарба берди.

Америкалик, англиялик, француз ва бошқа империалистлар фашист Германиясининг даҳшатли ҳарбий машинаси ёрдамида Совет давлатини йўқ қилиб ташлаш мумкин деб ўйлардилар. Улар фашист Германиясининг қудратли ҳарбий машинасини вужудга келтириш учун ҳеч нарсани аямадилар. Ҳар хил ниқобдаги милитаристлар герман фашистларига ҳарбий қудратини тиклаб олишда ёрдам бердилар. Ғарб ҳукмрон доираларининг жиноятқорона, телбаларча сиёсати туфайли Гитлер Германияси иккинчи жаҳон урушини очиш, жуда осонгина Чехословакия, Польша, Франция, Югославия, Бельгия, Дания, Голландия, Норвегия ва бошқа бир қатор мамлакатларни босиб олиш, Англияга оғир зарба бериш, сўнгра эса экономик кучли бўлиб олиб, деярли бутун Европани босиб олишга, Совет Иттифоқига хоинона бостириб киришга муваффақ бўлди.

Ёвуз фашистлар билан бўлган бу ҳаёт-мамот жанги СССР учун жуда ноқулай шароитда бошланди. Душман қўққисдан зарба бериш учун вақт танлаш имконига эга эди. У тайёргарлик кўрган, ҳозирги замон жанговар ҳаракатларини олиб бориш тажрибасини орттирган армияга эга эди. Бу армия умуман олганда жуда кўп самолётлар, танклар, тўп-миномётлар билан қуролланган 190 та дивизиядан иборат эди. Совет қўшинларининг жанговар қобилияти ва жанговар тайёргарлигига репрессиялар ёмон таъсир қилди. Сталин шахсига сиғиниш даврида армия ва флотнинг қўмондонлик ва сиёсий состави асоссиз равишда бу репрессияларга учраган эди. Сталин уруш олдидан вужудга келган ҳарбий-сиёсий аҳволга баҳо беришда жиддий хатога йўл қўйган эди. Шунинг учун гитлерчи қўшинларнинг тўсатдан қилган ҳужумини қайтариш учун зарур бўлган тадбирлар ўз вақтида кўрилмади. Совет жангчилари она юртни мардона ҳимоя қилдилар. Бироқ душман ўзининг вақтинча устунлигидан фойдаланиб олдинга интилди. У Москва ва Ленинградга яқин келишга, Волгага ва Кавказ тоғларига етиб келишга муваффақ бўлди. Совет мамлакати жуда оғир аҳволда қолди.

Ана шу қийин дамларда Совет халқининг Ленин байроғига содиқлиги, унинг социалистик Ватанига бўлган сўнмас муҳаббати, халқ ва армиянинг бузилмас бирлиги зўр куч билан намоён бўлди. Барча совет кишилари разил душманга қарши курашга отландилар. Армияга ҳали чақирилмаган кишилар ўзларини тезроқ фронтга жўнатишни талаб қилиб ҳарбий комиссариатларга мурожаат қилардилар. Завод ва фабрикаларда одамлар сурункасига бир неча сменада ишлашга тайёр эдилар. Улар фронтга кўпроқ самолётлар, танк, тўплар, автоматлар, снаряд, патронлар етказиб бериш фикри билан яшардилар. Фашистларнинг орқа томонида халқ партизан урушининг алангаси кучайди. Қаҳрамонлик кўрсатиш Ватан озодлиги ва мустақиллиги йўлида курашганлар учун олдий воқеа бўлиб қолди.

Москва остоналарида, Волгада, Курск дугасида бўлган қақшатқич жангларда совет солдати гитлерчилар армиясининг енгилмаслиги ҳақидаги афсонани пучга чиқарди. Совет армияси зўр изчиллик билан зарба кетидан зарба бериб, фашист қўшинларини она юртдан ҳайдаб чиқарди. Коммунистик партия раҳбарлик қилган Совет Қуролли Кучлари ўз мамлакатинигина фашист босқинчиларидан озод қилиб қолмай, шу билан бирга Европа ва Осиёнинг кўп халқларини фашист зулмидан халос этди. Совет Иттифоқининг Улуғ Ватан урушидаги тарихий ғалабаси Польшада, Германия Демократик Республикаси, Руминия, Болгария, Чехословакия, Югославия, Албания, Венгрия, Хитой, Шимолий Корея, Шимолий Вьетнамда халқ ҳокимиятининг тантана қилиши учун шароит яратди. Босқинчиларга қарши биргаликдаги курашда социалистик мамлакатлар армияларининг жанговар қардошлиги вужудга келди ва мустаҳкамланди.

Улуғ жанг садолари сўнганига анча вақт бўлди. Армия ва флотда энди фронтовикларнинг ўғиллари ва неваралари хизмат қилмоқда. Аммо қаҳрамонларнинг номлари ва жасоратлари одамларнинг қалбларида абадий сақланажак.

Бу йиллар мобайнида Совет Қуролли Кучларининг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг ташаббуси билан Коммунистик партия Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг қарорига мувофиқ Қуролли Кучларнинг янги тури — стратегия мақсадларидаги Ракета қўшинлари вужудга келтирилди. Совет халқи уларни энг замонавий қуроллар билан таъминлади. Бу қўшинларга тез учадиган ва узоқдаги нишонни урадиган ракеталар, шу жумладан, 50 ва 100 мегатонли зарядларни ер шарининг хоҳлаган нуқтасига етказишга қодир бўлган қитъалараро ва глобал ракеталар бериб қўйилган. Уларнинг қудрати беқиёсдир.

Ҳаво ҳужумига қарши мудофаа қўшинлари, қуруқликдаги қўшинлар, Авиация ва Ҳарбий-Денгиз флоти ҳам бошқача бўлиб қолди. Улар қудратли ракета, ядро қуролига эга бўлдилар. Армия ва флотнинг одатдаги қуроли ҳам такомиллаштирилди.

Ленин васиятларига содиқ бўлган Совет ҳукумати турли ижтимоий тузумдаги давлатлар билан тинч-тотув яшаш сиёсатини қатъийлик ва изчиллик билан ўтказиб келмоқда. Бу йўлда дастлабки ғалабаларга эришилди. Уларнинг энг муҳимларидан бири ядро қуроли синовларини атмосферада, космик бўшлиқда ва сув остида тақиқлаш ҳақидаги Шартномадир. Тинчликсевар кучларнинг қатъий ҳаракатлари туфайли халқаро кескинликни юмшатишга муваффақ бўлинди. Аммо ҳозирча империалистик агрессорлар бор экан, биз ҳушёр туришимиз ва СССР ҳамда бутун социалистик лагерь қудратини ҳар томонлама мустаҳкамлашимиз зарур.

Совет Қуролли Кучлари 46 йилдан буён Октябрь ғалабалари, социалистик Ватан озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилиб турибди. Бугун улар янада қудратли, мустаҳкам бўлиб қолган. Партия ва халқнинг ғамхўрлигига ватанпарварлик ишлари билан жавоб бераётган Ватан ҳимоячилари қудратли қуролни пухта эгаллатиб, уни ҳозирги замон жанги шароитида яхшироқ ишлата билишга интилмоқдалар.

Халқ ва партиянинг зўр муҳаббати, ғамхўрлиги совет жангчилари қалбини тўлқинлантириб, уларни шонли ишларга руҳлантирмоқда. Коммунизм идеалларига, интернационал бурчга содиқ бўлган совет жангчилари ўз қардошлари — дўстона армиялар жангчилари билан қўлни-қўлга бериб тинчликни ва қудратли социалистик лагерь хавфсизлигини ҳушёр туриб сақламоқдалар. (АПН).

УРУШГА ЙЎЛ ЙЎҚ!

... 1943 йилнинг март ойи. Младший лейтенант Алн Нодиров командирлик қилаётган артиллерия взводи томон душманнинг ўн иккита танки ёпирилиб келабошлади. Шунда ёш командир бир зум иккиланиб қолди. Тезлик билан рўй берган аҳволни қўмондонликка етказди. Душман зарбасини қандай бўлмасин қайтариш ҳақида буйруқ олгач, танкларни нишонга олишни буйирди.

Фашист танклари ер-кўкни ларзага солиб, ҳайқириб келарди. Мана, улар взвод ҳимоя қилаётган жойга жуда яқинлашиб қолди. «Огонь!» деган команда эшитилди.

Снарядлар ҳаракатга келди. Ана қаторлашиб келаётган танкларнинг бири ишдан чиқиб, буруқсийбошлади. Сал ўтмай иккинчиси, учинчиси сафдан чиқди. Шиддатли жангдан сўнг душманнинг тўққизта танки ер бағрини тишлади. Учтаси аранг қочиб қолди.

Младший лейтенант А. Нодиров вазиятга қараб иш тутабилиши, вазминлиги билан душман зарбасини қайтаролди.

Улуғ Ватан урушида жасорат намуналарини кўрсатганлиги учун коммунист А. Нодиров «Қизил Юлдуз» ордени, «Жасурлик учун», «Кавказ мудофаси учун» медаллари билан тақдирланди.

Уруш тугаб халқимиз тинч меҳнат фронтига қайтгач, А. Нодиров ўқитувчиликни давом эттирди. Шу кунларда Калинин бошқармасидаги Ушинский номли 68-мактабда тил ва адабиёт ўқитувчиси бўлиб ишлаётган А. Нодиров барча тинчликсевар кишилар қаторида туриб: «Урушга йўл йўқ. Яшасин тинчлик!» демоқда.

И. НОРМАТОВ.

«ОДАМЛАР, ҲУШЁР БЎЛИНГЛАР!»

Маутхаузен ўтхонаси оловлари сўнганига 19 йилдан ортиқроқ вақт ўтди. Бу қабих одамхўр ўтхонада минглаб гуноҳсиз кишилар қурбон бўлди. Иккинчи жаҳон урушида оғир кунларни бошидан кечирган кишилар Бухенвальд, Освенцим, Дахау, Маутхаузен лагерларини бир умр ёддан чиқармайдилар. Улар бу кунни тарихнинг қора ўтмиши сифатида эсга оладилар.

... Бирлашган нашриёт Ленин хонасига тўпланган ёшлар сукут сақлаб Николай Тимофеевич Молдаванов хотираларини тингламоқдалар. Ёшлар даҳшатли жангларни кўрмаганлар, фашистларнинг разил қилмишларини фақат оталари ва оналари ҳикояларидан эшитган, китоблардан ўқиб, кинофильмлардан томоша қилганлар, холос.

Николай Тимофеевич Маутхаузен ажал лагерида гуноҳсиз қурбон бўлганлар ва асир тушган жангчиларимизнинг олиб борган яширин ишлари ҳақида сўзлаб берди.

Освенцим, Бухенвальд, Маутхаузен лагерлари қанчалик даҳшатли бўлмасин улар совет кишиларининг руҳини бука олмади. Николай Тимофеевич ажал лагерида коммунистлар ва комсомоллар олиб борган яширин ишлар ҳақида, немис антифашистлари ва чех коммунистлари билан бўлган алоқа ҳақида ҳам ҳикоя қилди. У одамларни ҳушёр бўлишга, лаънати урушга асло йўл қўймасликка чақирди.

Тасодифан омон қолганлар орасида тошкентлик темирйўлчи Н. Т. Молдаванов ҳам бор эди. У меҳнат қилиш қобилиятини тиклаш учун госпиталда бир неча ой даволанди.

Николай Тимофеевич ҳозир «Ташавтомаш» заводининг 6-цех бошлиғи бўлиб ишламоқда. У бошлиқ цех аъзолари пахтани қоп-қанорсиз ташийдиган прицеплар ва автомобиль қисмлари ишлаб чиқаришяпти. Н. Т. Молдаванов бир қанча медаллар билан мукофотланган.

Ўртоқ Н. Молдаванов республика «Билим» жамияти ва совет антифашист комитети аъзоси сифатида лекциялар, суҳбатлар ўтказиб туради.

Ишчи мухбирлар ва журналистлар ўртоқ Н. Т. Молдавановга бу мароқли суҳбати учун самимий миннатдорчилик билдирдилар ва меҳнатда янги муваффақиятлар тиладилар.

Е. МИХАЙЛОВА.

ШОНЛИ 40 ЙИЛ

Туркистон ҳарбий округининг жангчилари ва Ўзбекистон жамоатчилиги Тошкент Округ Офицерлар уйи ташкил топганига 40 йил тўлганлигини тантанали нишонладилар.

Округ Офицерлар уйи ўтган йиллар мобайнида офицерлар ва уларнинг оилаларини сиёсий жиҳатдан ва жанговар руҳда тарбиялашда, қисм ва бўлинмаларга маданий-оқартув ишларини ташкил қилишда яқиндан ёрдам бериб келмоқда.


Округ офицерлар уйининг ходимлари ва уларнинг кўп-сонли актив жамоатчилари турли темаларда юзлаб лекциялар ўқидилар. Партиямиз съездлари ва Марказий Комитети Пленумларининг қарорларини пропаганда қилиш соҳасида самарали ишладилар. Бу ердаги асосий кутубхона жангчиларнинг маданий дам оладиган жойига айланган. Кутубхонада Совет Иттифоқи ва чет элларда нашр этилган юз мингдан ортиқ китоб бор.

Шунингдек, офицерлар уйи коллективининг республикамиздаги бошқа илмий ташкилотлар билан бўлган алоқаси тобора кучайиб бормоқда. Гарнизон жангчилари ҳузурига олимлар, ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар, етти йиллик илғорлари тез-тез келиб турадилар.

Округ Офицерлар уйининг 40 йиллиги муносабати билан республикамиз ва унинг ташқарисидан кўплаб телеграммалар ва табрик хатлари олинди. Юбилейга бағишлаб ўтказилган йиғилишда Округ Офицерлар уйи бошлиғи ўртоқ Г. Фурс коллективининг 40 йиллик фаолияти ҳақида доклад қилди.

Кеча охирида СССР халқ артисти Тамарахоним ижросида катта концерт кўрсатилди.

И. АЛИМОВ.





Суратларда: (ўнгда) Н-қисмда жангчилар танкларда тактик машғулот ўтказмоқдалар, (чапда) бронетранспортерлар маршн.

А. Асанов фотолари.

АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

ТОШ... НИЛУФАРЛАР КОЛЛЕКЦИЯСИ

Криноидейлар, яъни қадимги денгиз нилуфарларининг гигант колонияси ўзи бунёдга келган ва ҳалок бўлган вақтдан бошлаб биринчи марта кундузги ёруғлигини кўргунча қарийб 300 миллион йил ўтди. Совет геологлари Тожикистон тоғларида сув остида тош бўлиб қотиб қолган ана шундай «гулзор»ни топдилар.

Геологлар Зарафшон тизма тоғи этагидаги Шишкат қишлоғи яқинида сочилиб ётган тошлар орасидан оҳансимон парчаларни териб олдилар. Бу парчалар бир қарашда унчалик кўзга ташланмас эди. Тадқиқотчилар тошларнинг шамол ялаб кетган бетида бир нарсанинг сурати сезилар-сезилмас кўриниб турганига қизиқиб, топган тошларини ёш палеонтолог Т. В. Шевченко лабораториясига топширдилар. Яхлит оҳак парчаларидан нилуфар гулини эслатувчи беш қиррали носачаларни ажратиб олгунча чинакам заргарларден қунт билан ишлашга тўғри келди. Игна танли денгиз жониворлари бўлган криноидейлар сиртидан оппоқ чиройли гулга ўхшаш бўлгани учун ана шундай ном олган.

Маълум бўлишича, Шишкат тоғи — палеозоя эрасининг силури ва девон даврларидаги криноидейларнинг ҳозирча маълум бўлган энг бой хазинасидир. Палеонтологлар тарихдан аввалги ўтмиш шоҳидларининг ҳажм жиҳатидан ниҳоятда катта ва жуда яхши сақланиб қолган бундай ранг-баранг намуналарини илгари ҳеч қаерда учратмаган эдилар.

Т. В. Шевченко Шишкат оҳак конидан ҳозирдаёқ, палеозоя эрасидаги денгиз нилуфарларининг илгари маълум бўлган юздан ортиқ хилини ва 60 га яқин янги турини топди.

Шунниси диққатга сазоворки, Тожикистондаги криноидейларнинг баъзи хиллари Чекка шимол ва Сибирь чўқиндиларидаги денгиз нилуфарларига ўхшаб кетади. Бу эса қадим замонларда ягона бир денгиз мавжуд бўлиб, у ҳозирги Осиё қитъаси ўрнида жуда катта майдонни эгаллаб келган бўлса керак, деб ўйлашга мажбур қилмоқда.



Халқимиз юксак дид ва маҳорат билан ишланган санъат буюмини севади, қадрлайди, ундан завқланади. Бизда ажойиб ёш санъаткорлар етишиб чиқаяптики, улар томонидан ишланган нодир ва нафис безак ва буюмлар кўзларни қувонтириб, дилларни яйратади. Сиз бундай қўли гул ишшиларни Тошкент бадиий буюмлар фабрикасида кўплаб учратишингиз мумкин. Суратда: шу фабриканинг моҳир наштачиси Насиба Аминова (чапда) ҳамда суяк ва ёғочга ўйиб нақш ишловчи уста Ортиқ Файзуллаевлар иш устида.

А. Палехов фотоси.

ЖЎЖА ОЧАДИГАН...

ПОЛИМЕР

Химик олимлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида пластинкалардан фойдаланишнинг янги йўлларини қидириб топмоқдалар. Пленка материаллар ва синъий чарм Бутуниттифоқ илмий тадқиқот институтида теплица ва парниклардаги тупроқни иситиш учун электр ўтказувчи полимер пленкалар ишлатиб кўрилди.

Бундай пленкалар ўсимликларнинг илдизи остига қўйилди. Ўзгарувчан ток тармоғига уланган бу пленкалар тупроқнинг бутун фойдали қисмини бир меёрда иситиб турди. Москва ёнидаги тажриба хўжалигида ўтказилган синовлар бу янгиликнинг муҳим афзалликлари борлигини: ўсимликларнинг етилиш пайти қисқартирилиб, иссиқлик сарфлаш салмоғи камайтирилганини кўрсатди.

Металл спираллар ўрнига электр ўтказувчи пластиклардан тайёрланган қизитувчи элементлар иккубаторларда ҳам синовдан ўтказилди. Бундай элементлар установкани Цельсий бўйича 40 даражагача иситиш ҳамда белгиланган режимни бир меёрда сақлаб туриш имконини беради.

Синовлар шуни кўрсатдики, иситувчи полимер элементлардан фойдаланиш оддий методларга нисбатан тежамли ва самаралироқдир. Полимер иситгичлардан иккубаторларда фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб топилди.



Суратда: Тошкентдаги 3-ўрта мактабнинг музика ўқитувчиси Тўра Жўрабоев 9-«б» синф ўқувчиси Муътабар Султоновага ўзбек халқ чолғу асбоблари дарсида рубобни чалиш юзасидан консультация бермоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

ТОПШИРИЛМАГАН СОВҒА

(ҲАЖВИЙ ҲИКОЯ)

Трамвай ўчакишгандай ҳа деганда келавермади. У гумдон бўлганга яраша қани энди бирорта бўш такси ўтса. Онда-сонда кўрингани ҳам Қиёмхонов кўчанинг ўртасига тушиб ҳар қанча «ҳай-ҳайламасин» қиё боқмай ўтиб кетаберди. Негаки ҳаммасида ҳам одам бор эди.

Хиёлхон Қиёмхонов кўчага чиқмасданоқ таъби тирриқ бўлганди. Аввало бир пой калишини тополмай пича овора бўлди. Кичкина ўғли тушмагур уни ўйнаб ҳовли бурчагидаги магзава тўкадиган чуқурга ташлаб юборган экан. Бунинг устига монтёр келиб ҳақини вақтида тўламабсизлар деб электрни узиб кетди. Хиёлхон «Эртага тўлайман, укажон» деб ҳар қанча ялинса ҳам кўнмади монтёри тушмагур. Бу ҳам майлия эшикдан чиқиб ўн қадам ҳам босмовдики, Эшматқорининг олапари Исмат тажангининг мушугини олдидан қувиб ўтди. «Бу бир фалокатдан башорат» деб қўйди ичида Қиёмхонов. Чунки кунботарда кучукнинг мушук қувлаши яхшиликдан дарак бермайди. Иш бир юришмаса юришмайди деганларидек, энди трамвай қорасини кўрсатмаётганини айтмайсизми!

Қиёмхонов «хўжайинжон»никига (у бошлиғи Исҳоқбоевни шундай дерди) соат олти билан еттининг орасида етиб боришни кўзларди. Нега деганда «хўжайинжон» бу вақтда ўзлари тузган оилавий режимга амал қилиб ўғилчалари Абдусаттор билан қизчалари Пошшахоннинг тарбияси ила машғул бўладилар. Қиёмхонов ҳар гал «хўжайинжон»никига бош суқмоқчи бўлса, доимо шу вақтни мўлжалга оларди. Даҳлизда келинойи билан салом-алик қилиб қўлида борини тутқизарди-ю, «детский хона»га бурилларди. «Хўжайинжон»нинг нуридийда л а р и Қиёмхоновга жуда ўрганиб қолишган. Уни кўришди дегунча «амаким телдила» деб бўйнига осилишади. Бунинг сабаби бор: Қиёмхон ҳар келганда битта плиткадан шоколод бериб, уларни ўзига ўргатиб қўйган.

Қиёмхонов шу топда эшак аравани ҳам кира қилиб кетишга рози эди. Ахир бир соатдан бери трамвай билан такси кутади-я. Буни олдинроқ билса уйидан вақтлироқ чиқмасмиди. Бечора болалари ота дийдорига тўйишолмади. Соат тўртда самолётдан тушган бўлса, уйида бор-йўғи бир соатча ўтирди-да, кейин лип этиб бориб келаман, деб «хўжайинжон»га аталган совға-саломни олиб ўзини кўчага урди.

Кўча серқатнов бўлса ҳам Қиёмхонов ҳарчанд қўл кўтармасин машина зоти тўхтамасди. Соат бўлса олтидан беш минут ўтди. Ён соатининг «чиқ-чиқи» ҳам шу топда юрагига бамисоли ханжардай санчиларди. У ўз қонига ташна бўлиб кетди. Ҳатто ичида, қулоғимгача қарзга ботсам ҳам битта машина олганим бўлсин деб қасам ичишга ичди-ю, аммо «хўжайинжон»нинг бу борадаги насиҳати лоп этиб эсига тушиб, юраги орқасига тортиб кетди. У бир куни машина оламан, деб оғиз очганда «хўжайинжон» қаттиқ уришиб бергандилар. Гап тегади, участкангиз кавланмай турганига шукур қилинг. Ишингиз нозик бўлса. Бошингизга бир бало орттириб юрманг, дегандилар улар.

Олдидан ғиз-ғиз ўтиб турган машиналардан умидини узиб, бўшашиб қолган Қиёмхонов бошидаги қалпоғини босиброқ кияй, деб қўл кўтарганида эскироқ бир «Москвич» нақ ёнгинасида «ғиқ» этиб тўхтади. Буни кўриб Қиёмхоновнинг юраги қоқ ёрила ёзди. Семиз гавдасига хос бўлмаган илдамлик билан унга қараб югурди. Шофер бола ҳам шинаванда экан, тезроқ бўлинг дегандай машинанинг эшигини очиб турарди. Қиёмхонов азбаройи шошиб қолганидан, мени Қўйлиққа оборинг қўйинг дейишни ҳам унутиб, ўзини машинага отди:

— Қаёққа борасиз, тоға?— сўради шофер бола машина кўзголгандан кейин.

— Қўйлиққа, акаси. Қўйлиққа, — Қиёмхонов қўлқопини ечиб чўнтагидан рўмолча олди. — Ҳайрият сиз бор экансиз, укажон. Бир соатдан бери машина кутаман-а...

— Мен Ҳадрада қоламан. Ўша ергача борсангиз майли.— Шофер бўлмаса туша қолинг, демаса ҳам Қиёмхонов гапнинг у ёғини ўзи тушуниб олди.

— Жон ука, илтимос, ғиз этиб ташлаб кела қолинг. Сиздан нима кетди. Бир тушган иш, ўзим нозикроқ жойга кетяпман, жон ука, —Қиёмхонов «раҳм қил» деган-дай шоферга мўлтайиб қаради.

— Шофер бирпас индамай кетди. Кейин ўзича бир қарорга келди шекилли: — Майли ташлаб келаман. Лекин айтиб қўяй, уч сўмдан кам бўлмайди, — деб қисанда қилди.

— Барака топинг, укажон, раҳмат! — Қиёмхонов анча енгил тортди. У шу топда шоферга уч сўм тугул ўн сўм беришга ҳам рози эди. — Фақат иложи бўлса тезроқ қайданг. Кечга қолдим, жон ука!

Шофер хўп дегандай бош ирғаб машинани сал тезлатди. Қиёмхонов соатига қаради. Олтидан чорак ўтибди. Майли, зарари йўқ, бемалол етиб боради. «Хўжайин жон» жиянчалар билан айни уймалашаётган пайтда кириб боради.

Машина тебраниб-тебраниб. бораркан, Қиёмхоновни ҳаёл олиб қочди. Эсига курортга кетаётган куни тушди. Ўшанда аэропортга «хўжайинжон»нинг ўзлари кузатиб ниққандилар. Икковлари ресторанга кириб ака-укаликка «қиттай-қиттай» қилишди. Шунда Қиёмхонов ҳамёнига қўл чўзувди «хўжайинжон» унинг билагидан маҳкам ушлаб, бундай қилсангиз ҳафа бўламан. Сиз сафарга кетаётган одам, биз қолаётган. Хизмат биздан бўлсин, деб шартта ўн сўм тўлаворди.

Дарҳақиқат улар ака-ука тутинган эдилар. Исҳоқбоев базага директор бўлиб келган пайтда Қиёмхонов кўмир складидан ҳайдалган, беиш эди. Уни Исҳоқбоев билан базанинг ҳозирги экспедитори Эргаш қарға таништириб қўйди. Эргаш қарға билан у бир вақтлар «утилсирё»да бирга ишлаганди. Бир куни Қиёмхонов чайқов бозорида мурч сотиб юрганди, эски дўстини учратиб қолди. Бирпас у ёқдан-буёқдан гаплашганларидан кейин ошналар ресторанда отамлашишди. Эртасига эса икковлари Исҳоқбоевникига бориб, уни «зиёрат» қилишди.

— Менга омборчи эмас, одам керак, оғайни керак, — деган эди «хўжайинжон» ўшанда. Иш бор жойда хато бўлади. Яхши ишласангиз бас, ака-ука бўлиб кетамиз. Лекин айтиб қўяй гирромларга тобим йўқ...

Қиёмхонов мана уч йилдирки базада жонини жабборга бериб ишлаб келади. Улар бир-бирлари билан шундай қалинлашиб кетишдики, Эргаш қарға четга чиқиб қолди. Илгарилари эса Эргаш қарғанинг тарашаси бўлмаса «хўжайинжон»нинг самовари қайнамасди.

Қиёмхонов «хўжайинжон»га туғишган укадан ҳам азиз. У акасининг бутун уруғ-аймоғи, болаларининг туғилган куни, хотинининг авлод-аждодларигача билади Агар гаплари чўзилиб кетгудек бўлса «хўжайинжон»никида ётиб ҳам қолаверарди. Уларнинг бир-бирларидан бекитадиган сирлари йўқ, ораларидан қил ҳам ўтмайди.

Исҳоқбоев ҳам ўзи зўр одам-е! Ишлайвериб чарчадингиз, Хиёлхон бир дам олиб келинг, деб нақ Сочига путёвка олиб берди-я. Ўз хизматчисига, бунинг устига етти мучали соғ одамга бунақа ҳимматни қайси хўжайин кўрсатади. Тағин аэропортга ўзи олиб чиқиб қўйди. Ўшанда Қиёмхонов, юрак ютиб у ёқдан сизга нима олиб келай, деб сўраганда, овора бўлманг, қўяверинг, деди. Хиёлхон уни ўз ҳолига қўймай ҳадеб сўрайвергандан кейин ўзингиз биласиз, деб қўя қолди.

Қиёмхонов курортда қорнини силаб ётса ҳам акасининг «ўзингиз биласиз»и бошни қотирарди. Бир куни Абдусатторнинг туғилганига олти йил тўлганини табриклаб телеграмма юборди. Аммо телеграмма жавобсиз кетди. Шундан кейин яхши ўтирибсизларми, соғ-саломатмилар, ўзингиз тинчмисиз, деб салом хат ёзди. Хатга ҳам жавоб келмади. Бу ҳол уни жуда ҳавотирга солди. Негаки Исҳоқбоевнинг бировдан хат ёки телеграмма олса юборган хушхабарингизни олдим, раҳмат, деб жавоб қайтарадиган одати бор эди. Шу важдан Хиёлхоннинг уч-тўрт кун ичига чироқ ёқса ёримай юрди. Кейин бечораниг иши кўпдир, қўли тегмагандир, деб ўзини овутди.

Қиёмхонов совға бобида ўйлай-ўйлай ниҳояти шундай қарорга келди. Хайр қилсанг бутун қил, деганларидек «хўжайинжон»нинг бола-чақасигача совға-салом олишга аҳд қилди. Аканинг оёқларида бодлари борлиги, гоҳо-гоҳо беллари санчиб туришини ҳисобга олиб свитер, оқ кийиз этик, келинойига модний кўйлак, жиянчаларга бош-оёқ кийим олди. Буларнинг ёнига қанд-қурс, хўжайинжон яхши кўрадиган «фильтр» папиросдан қўшди...

Қиёмхонов машинада хаёл суриб кетаркан ҳозир бориб хўжайинжон билан учрашувини, совғани кўриб келинойининг ҳар галгидек оғзи қулоғига етишини, жиянчаларнинг қий-чув қилишини, аканинг мийигида сал кулиб, обдо сиз-эй, жуда овора бўпсиз-ку, дейишини кўз олдига келтираркан, оғзининг таноби қочди. Ҳатто машина кутиб тортган азобларн ҳам унутилгандай бўлди. Қўлида ги совғани бағрига маҳкамроқ босаркан, кўзини сархуш одамдай ширин юмди...

— Кечирасиз тоға, у ёққа ўтолмайман, — деди шофер, машинани кўприкдан анча берида тўхтатаркан. — У ёқда жамоатчи автоинспекторлар юрибди. Тағин правамдан айилмай. Бу ёғи оз қолди, пиёда бора қоласиз...

Қиёмхонов шоферга уч сўм кистириб, бирор фалокатни сезгандай машинадан имиллаб тушди. У зилдай совғасини қўлтиқлаб ўттиз қадамча ҳам юрмаган эди, орқадан кимдир уни чақириб қолди. Қараса чақирган одам базада юкчи бўлиб ишлайдиган Асрор новча экан.

— Ҳормасинлар, ўртоқ Қиёмхонов, — деди у худди мазах қилгандай тишининг оқини кўрсатиб. — Эсон-омон қайтдиларми, сафар бехатар бўлдими?

— Раҳмат, раҳмат ука, — деди Қиёмхонов гапни калта қилишга интилиб. У жамоатчи контроллардан бўлган бу бетга чопар юкчини ёқтирмасди. Келиб-келиб «хўжайинжон»нинг уйига яқин қолганда унга йўлиққанини қаранг. Шунда ҳам Қиёмхонов сир бой бермай жавоб қайтарди.— Анча яхши бўлди, соғлиқни тиклаб қайтдик, ука. Ўзингиз тинчмисиз, бола-чақалар бардамми?

— Биз-ку тинч-а, бошқалар нотинч, — деди юкчи баттар тиржайиб: — Тўғри ишлаганимиздан кейин бизга нима қиларди? Агар Исҳоқбоевникига кетаётган бўлсангиз биздан ҳам кўнгил сўраб қўйинг.

Қиёмхонов буни эшитгандан кейин аъзои-бадани музлаб кетгандай бўлди. Хаёлига дарров Исҳоқ боевнинг уйида битта-яримта олам дан ўтибди, деган фикр келди. Кейин юкчининг «бошқалар нотинч» деган сўзини эслаб яна батар ваҳим босди.

— Нима гап ўзи? Тинчликми?

— Нима гап бўларди, — деди юкчи яна тиржайиб. —Сиз йўғингизда газетада фельетон чиқиб Исҳоқбоевга қўшиб бошқа юлғичларнинг ҳам хашагини очиб ташлашди. «Хўжайин» ишдан олиндн, партиядан ҳам қувилди. Ҳозир базани ревизорлар текшириш япти. Эргаш қарға қочиб кетган Милиция шу дамда «хўжайин»нинг эшигини тақиллатиб юрган бўлса ҳам ажабмас...

Қиёмхоновнинг кўз олдини қоронғилик босди, оёқлари чалишиб йиқилаёзди. У бир амаллаб Асрор юкчига:

— Йўқ, мен бошқа Исҳоқбоевникига, милицияда ишлайдиган Исҳоқбоевникига кетяпман, — деди-ю, совғани бағрига маҳкам босиб чап томондаги кўчага бурилган таксининг кетидан «ҳай-ҳайлаб» югурди.

Эркин НОСИРОВ.

ХОТИН-ҚИЗЛАР МАДАНИЯТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қалинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Маданият» колхозида хотин-қизлар маданият университети ташкил этилди. Университет машғулотларига Қалинин бошқармасидаги хўжаликларда меҳнат қилаётган хотин-қизлар иштирок этмоқда.

Хотин-қизлар маданият университетининг ректори қилиб В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг доценти С. Назруллаева тайинланди. «Маданият» колхози хотин-қизлар Советининг раиси ўртоқ М. Эргашева университетга стипендия қилади.

Яқинда университетнинг биринчи машғулоти бўлиб ўтди. Машғулотда Қалинин ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитети секретарининг ўринбосари ўртоқ Ш. Ғаниева кириш нутқи сўзлади. Нотиқ хотин-қизларнинг коммунистик жамият қуришдаги актив фаолияти ҳақида батафсил гапириб берди. Шундан кейин машғулотнинг лекция қисми бошланди.

Машғулот қатнашчилари райондаги 35-мактаб илмий бўлим мудири Ш. Шоҳалимовнинг «Совет хотин-қизлари коммунизм актив қурувчилари» деган лекциясини жуда мароқ билан тингладилар. Филология фанлари кандидати С. Назруллаева ўқиган «Ўзбек совет прозасида хотин-қизлар образи» деган лекцияси ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Машғулот охирида Тошкент Давлат филармонияси артистлари ижросида катта концерт қўйиб берилди.

Б И Л Д И Р И Ш

Ўзбекистон Кинематография Союзи ёш киносценаристлар семинарининг навбатдаги машғулотини 25 февраль куни кеч соат 6 да ўтказади. (Лоҳутий кўчаси, 14-уй, Кино ва Театр уйи).

Қизиққан ёш ёзувчи ва ҳаваскорларнинг иштирок этишлари мумкин.

Ўзбекистон кинематография Союзи.

КИНОТАҚРИЗЛАР МУҲОКАМАДА

Яқинда республика кино ходимлари уйида Ўзбекистон кинематографияси ҳамда ёзувчилар союзларининг кинодрамaтургия, кинотанқидчилиги секциялари аъзолари, шунингдек киношунослик билан қизиққан кўпгина ўртоқлар иштирокида йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда ўтган 1963 йилда маҳаллий матбуотда эълон қилинган кинотақризлар ҳақида фикр юритилди. Гап асосан «Ўзбекфильм»нинг маҳсулоти «Бешаласи Фарғонадан» («Еш юраклар») кинофильмига бағишлаб ёзилган кинотақризлар ҳақида борди.

Санъатшунослик фанлари кандидати, киношунос Ханжара Абдулқосимова ўтган йили маҳаллий газета саҳифаларида ёритилган кинотақризлар ҳақида қизиқ ва мазмунли фикрлар айтиб, муҳокамани бошлаб берди. Шундан сўнг сўзга чиққан Н. Каримов, Б. Ҳасанов, Б. Бойқобилов, М. Худойқулов, А. Рябцев, В. Копитова, М. Яҳёев, кинорежиссёр И. Аъзамов, Ёзувчилар союзининг секретари Р. Жаҳонгиров, Ўзбекистон ССР халқ артисти Р. Пирмуҳамедов ва бошқа ўртоқлар кинофильмларга ёзилаётган тақризларнинг ҳаққонийлиги ва умуман кинотанқидчилигига онд қатор муҳим масалалар бўйича қимматли фикрларни баён этишди.

СПОРТ

С. ГУЛЯЕВ — ЧЕМПИОН

Халқаро шашка бўйича Ўзбекистон XI чемпионати тошкентлик спорт мастери С. Гуляевнинг ғалабаси билан якунланди. У турнирда битта ҳам мағлубиятга учрамай, 12 имконниятдан 11 ярим очко олди. С. Давидов ва Р. Раппопорт 2—3 ўринларни бўлишиб олдилар. Мусобақада С. Цюпко мастерликка кандидат нормасини бажарди.

Турнирда 1—7 ўринларни эгаллаган шашкачилар Днепропетровскда ўтказиладиган СССР биринчилигининг ярим финал ўйинларида қатнашадилар.

БУТУНИТТИФОҚ КАТЕГОРИЯЛИ СУДЬЯЛАР

СССР спорт жамиятлари ва ташкилотлари союзининг Марказий Совети тошкентлик 4 судьяга Бутуниттифоқ категорияли судья деган юксак ном берди. Булар Ю. Бухман (бокс бўйича), А. Казарез (баскетбол), Ю. Пестряков (гимнастика), С. Мурунов (футбол)лардир.

П. КОНОВАЛОВ.

ЁШ ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети филология факультетининг мажлислар залида студент-журналистлар билан учрашув ўтказилди. «Известия» газетасининг Ўзбекистон ССРдаги мухбири Г. Меликянц ҳамда «Комсомольская правда» газетасининг Ўзбекистон ССРдаги мухбири Н. Дадабоев ўртоқлар бўлажак журналистларга марказий газеталарнинг иш тажрибалари, ўз ижодий режалари ҳақида гапириб бердилар.

Учрашув бўлажак журналистларда катта таассурот қолдирди.

Х. ТУРСУНОВ.

БИР ХАТ ИЗИДАН

БАҒРИ ТОШ ОТА

Оқ сариқдан келган, мовий кўзли жувон Шоазиз билан олдинма-кейин эшикдан кириб келаркан, Насиба хонга кўз қирини ташлади, кейин:

— Сиз Шоазизнинг аёли бўласизми? — деди.

— Ҳа, — деди Насиба олдида турган қизчасининг бошини силаб.

— Яхши... Мен эрингизнинг хўжайини бўламан. Шоазиз уйда ўзини қандай тутади, текширгани келувдим.

— Нимани текширасиз опа. Мен ҳеч қаерга шиконт қилган эмасманку! — Ҳайрон бўлиб деди Насибахон.

— Эшитишимга қарағанда, орангиздан аччиқ-чучук гап ўтган эмишку.

— Нима деяпсиз, гапингизга тушунмаяпман, — деди Насибахон жиддийлашиб.

— Сизни уриб сўкмайдими? Камситмайдими демоқчиман! — деди зарда билан ҳалиги жувон.

— Йўқ, йўқ. Сиз оғзимиз сенга бормаган. — Насиба ниманидир унитгандек шошилиб, — вой асим қурсин гапга оворалибди чой қўйишни унутаёзибман. Уйга киринг, чой пой ичиб гаплашсак ҳам бўлади-ку, — деб «хўжайин»чани уйига таклиф қилди.

Вазира керилиб ичкарига кирди ва ясатувдиқ дастурхон ёнига ўтирди. Соддадил Насибахон топганини меҳмоннинг олдига қўйди. Унинг кўнгилни олишга ҳаракат қилди. Ҳатто, бемаҳалда кетмай қўяқолинг, деб қўярда-қўймай, уни уйида олиб ҳам қолди.

«Хўжайинча» арталаб Шоазиз билан бирга уйдан чиқиб кетар экан:

Ҳурматли редакция! Хат ёзай десам, виждон азоблайди, ёзмай десам, беш боламнинг «адам қаёққа кетганлар, адам қачон келадилар» деб ўсинишлари бағримни эзади.

Шоазиз билан турмуш қурганимга 15 йил бўлди. Бу орада беш фарзанд кўрдик, Тўнғич қизим Зарофат 5- синфда ўқимоқда...

Ўртоғим Шоазиз Ҳамидов икки йилдан бери Вазира исмли жувон билан бирга туради. У, ўз ҳузур-халоватини деб, болаларини тирик етим қилди, оиласини ой- ости қилди. Мен бу хатни ёзиш билан бола-чақалик бўлганда «ақлдан озган» турмуш йўлдошим Шоазизни жамоатчилик муҳокамасига қўйиб, ўз уйига қайтишида ёрдам беришларингизни сўрайман.

Насиба РАҲМОНБЕРДИЕВА.

— Қалай, бопладимми жоним, — деди ноз билан.

— Сизку дўндирдингиз «хўжайин», мен эса тонготгунча тўлғаниб чиқдим.

— Чумчуқдан қўрққан тариқ экмайди. Бизники қар доим гарткам оғайни, — ўз макридан мамнун бўлган Вазира айёрона кулди.

Ҳурматли газетхон! Эҳтимол сиз Вазира Азимовани бирор муассаса ёки корхонанинг бошлиги бўлса керак, деб ўйларсиз. Йўқ, аслоё Вазира ҳам, Шоазиз ҳам буфетчи бўлиб ишлайди. Вазира 34-столовойнинг филиалида, Шоазиз эса, вагон-ресторанда буфетчилик қилади. Ундай бўлса, нечун Шоазизнинг уйига текширувчи бўлиб борди, демоқчи бўларсиз? Ҳа, балли, ҳамма гап ана шунда. Мана эшитинг:

Бу ошиқ-бедаволар бир-бирини кўрмаса туролмайдиган бўлиб қолишди. Аввалига Вазира ўзини «хўжайин» деб таништиб, кейинчалик Насиба хонни ипакдек ҳимраб, уй рўзғорларини тергашга ўтди. Ҳатто Шоазизни давара қилиб, «Рекорд» маркали телевизорини сотиб олган бўлди. Шоазиз ҳам болалари кўриб турган телевизорини Вазиранинг уйига олиб бориб берди. Насибахон ана шундагина «хўжайин»чадан шубҳаланди. Шубҳа асосли чиқди. Ғишт аллақачон қолипдан кўчган экан.

1959 йил. Шоазиз Тошкент гўшт комбинатида экспедитор бўлиб ишлаган йиллар... Харом пуллар эвазига айши ишрат қилишга одатланиб қолган Шоазизнинг кўзига ўнбеш йиллик турмуш ўртоғи, болалари энди ёмон кўринди-ю, 1-босмахона буфетида ишловчи Вазирага муҳаббати тушди. Шу-шу Шоазиз «касал»га чалинди қолди. Буни сезган Вазира қармоқни узун ташлаб, аввало ўзини четга олиб турди. Бора-бора Шоазиз унинг ёнига келиб, оғир дам ўтиравергач, эс-ҳушини йўқотадиган бўлиб қолди.

— Йигит, — деди бир куни Вазира кулимсираб, айтганимни қилсанг, дардингга даво топаман. Бўлмаса ёшгина жонинг нобуд бўлади.

—Хизматингизга доим тайёрман, Сизнинг гапингиз мен учун қонун.

— Бўлмаса, бола-чақангдан воз кечасан, тушундингми!

— Бор-йўғи шуми? — деди Шоазиз.

— Батамом кечдим. Номини атасам номардман.

Муболаға эмас, ишонаверинг. Биз Шоазиз билан суҳбатлашганимизда, у:

—Юрагимнинг мазаси йўқ. Тамоми врачларга боқиздим, даво тополмадим. Профессорлар ҳам дардимга малҳам бўлаолмади. Фақат Вазирахон мени дарддан халос қилди, — деди уялмай-нетмай.

— Кенжа ўғлингиз Маннонжон бир ойдан зиёд бетоб бўлиб ётганидан хабарингиз бўлдими? — деган саволимизга.

— Ҳа, касал бўлганини эшитганман, — деди у.

— Бориб холидан хабар олдингизми?

— Борганим йўқ. Бормайман ҳам. Ўшаларни кўрсам, юрагимнинг мазаси қочади. Керак бўлса ўзи келсин. Менга соғлиқ керак, — деди уялмай-нетмай бу виждонсиз.

Ана сизга Шоазизнинг оталик меҳр-муҳаббати-ю, инсоний «фазилати». Ўнбеш йил мобайнида яхши бўлиб келган хотин тўсатдан ёмон отлиққа чиқса, бегуноҳ гўдаклар ота дийдорига интизор бўлиб юрса...

Ўзганинг бахтига чанг солиб, бировнинг тотув оиласини бузган енгилтак Вазира Азимова ҳамда ўткунчи дайди ҳавас кетидан қувиб, мунчоқдек нури-дийдаларини зор-зор йиглатаётган беномус ва бағри тош ота Шоазиз Ҳамидовнинг бу тубан қилмишлари устидан ҳукм чиқаришни сизга ҳавола қиламиз, ҳурматли газетхон.

З. ОРИПОВ.

РЕКЛАМА, ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

23 ФЕВРАЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 11.00 — **Эрталабки гимнастика машғулотлари,** 11.20 — **Васька Жилин** (болалар учун диафильм), 11.30 — **Концерт** (В. И. Ленин номли пионерлар саройи бадиий ҳаваскорлари ижросида).

Рус тилида: 12.05 — **Жисмларнинг суюқликда сузиши** («Мактабга ёрдам» циклидан), 12.15 —**Пионерия** (киножурнал) ва **Полк ўғли** номли бадиий фильм, 13.30 — **Спорт эшиттиришн,** 14.00 — Совет спорти (киножурнал).

Ўзбек тилида: 14.10 — **Студентлар учун,** 17.30 — **Бургут болалари** (болалар учун).

Рус тилида: 18.00 — **Каштанка** (кинофильм), 18.30 — **Телевизион янгиликлар,** 18.45 — **Новости дня** (киножурнал), 18.55 — **Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти кунига бағишланган эшиттириш** ва **концерт** (Туркистон ҳарбий округи ашула ва рақс ансамбли ижросида), 19.55 — **Максим Перепелица** (бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 21.20 — **Уч новелла** (телепостановкалар), 22.00— **Телевизион янгиликлар,** 22.15 — **Совет Ўзбекистони** (киножурнал), 22.25 — **Ўзбек опера ва балетларидан парчалар.**

23.05 — **Эшиттиришлар программаси.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/II да кундуз **Оқшуш кўли,** кечқурун **Фауст,** 25/II да **Евгений Онегин.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/II да кечқурун **Ҳаётбахш ўлим,** 25/II да **Қонли сароб.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/II кеч соат 7 яримда **Катта концерт.** Билетлар сотилмоқда.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 23/II кеч соат 8 да **Ўзбек давлат филармонияси ва эстрада солистларининг концерти.** СССР халқ артисти **Галия Измайлова,** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Қундуз Мирнаримова,** солистлардан **Фахриддин Умаров** ва бошқалар қатнашади. Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **Лилипутлар музикали аттракциони** ва катта программада **цирк томошалари.** Бугун 3 марта томоша кўрсатилади.

КИНО

Тириклар ва ўликлар — «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун).

Қизларнинг қилмишлари — «ВАТАН», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Зелёнаядаги данғиллама уй — «ИСКРА» (эрталаб соат 10 ва кеч 10 яримда).

Оптимистик трагедия (кундуз соат 1 ва кеч 6-45 минутда), **Оғир соатда** (кундуз ва кечқурун) — «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ».

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентских промышленного и сельского областных комитетов КП Узбекистана, Ташкентского горкома КП Узбекистана, промышленного, сельского областных и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: редактор — 29004. Редактор ўринбосари— 25885. Масъул секретарь — 34808. Идеология бўлими —31936. Саноат ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 33786. Қурилиш ва партия ишлари бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 26232. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлими — 28761. Ахборот ва спорт бўлими — 33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 02231. ИНДЕКС 64695. Нашр. № Б. 1698.